ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

10 февраль, сешанба 1998 йил №16 (518)

Сешанба , пайшанба ва шанба кунлари чиқади

УШБУ СОНДА:

МЎЛ ҲОСИЛГА БУГУНДАН ТАЙЁРЛАНАЙЛИК — 2-бетда

ЖАМИЯТИМИЗ ТАЯНЧИ — 3-бетда

КАЙФИЯТНИ БАЛАНД ҚИЛАВЕРИНГ — 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Хорижий сармоя иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишга расмиятчилик билан ёндашишни ва сансалорликни бартараф этиш, уларни танлаб олиш ва амалга ошириш механизмини тартибга солиш, шунингдек, келишиб олиш ва тегишли рухсат берувчи ҳужжатлар бериш тартибларини соддалаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки, хорижий инвестициялар жалб қилинган ҳолда амалга оширилаётган лойиҳаларни рўёбга чиқариш давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади ва унинг мониторинги давлат томонидан олиб борилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлар Маҳкамасининг Инвестиция дастурлари департаменти давлат инвестиция сиёсати амалга оширилишини ташкил этувчи ягона ваколатли ва масъул орган ҳисобланади, унинг қарорлари инвестиция жараёнининг барча қатнашчилари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

3. Вазирлар Маҳкамасининг Инвестиция дастурлари департаментига хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар амалга оширилиши устидан давлат мониторингини ташкил этиш юклансин.

4. Қуйидагилар Инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши устидан давлат мониторингининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг барча босқичларида уларга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва урганиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тезкор чора-тадбирлар кўриш;

инвестиция фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш;

мавжуд расмиятчилик тусиқларини, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ турли масалаларни кўриб чиқиш муддатларини тартибга солиш йўли билан бартараф этиш.

5. Узбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида кредитларни жалб қилган ҳолда хорижий сармоя иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб икки ҳафта муддатда:

қулланиладиган технологиянинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, техник даражаси ва нархига кўра рақобатбардошлилигини умумий баҳолаш бўйича - Узбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида;

иқтисодий самарадорлиги ва ўзини ўзи қоплашини, маблағ билан таъминлаш схемасини баҳолаш бўйича - Узбекистон Республикаси Молия вазирлигида ва ваколатли банкларда бирйўла экспертизадан ўтказиш тартиби белгилаб қўйилсин.

6. Алоҳида йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим объектлар бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар бевосита Вазирлар Маҳкамасининг Инвестиция дастурлари департаментида экспертизанинг ваколатли органлари ҳамда юқорида кўрсатилган вазирликлар ва идоралар жалб қилинган ҳолда кўриб чиқилади ва келишиб олинади.

7. Белгилансинки, хорижий сармоя иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлашнинг белгиланган тартиби ва муддатлари бузилиши учун вазирликлар, идоралар ва республиканинг тегишли тузилмалари раҳбарлари шахсан жавоб берадилар.

8. Корхоналарнинг ўз маблағларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари экспертизадан ўтказилмайди.

9. Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш ва келишиб олиш бўйича идоравий норматив ҳужжатларни текшириб чиқсин ва улар мазкур Фармон талабларига мувофиқлаштирилиши устидан назорат ўрнатсин.

10. Мазкур Фармоннинг сўзсиз бажарилиши устидан жавобгарлик Бош вазир У.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 9 февраль

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилишнинг самарадорлигини таъминлаш ва қулай иқтисодий шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш бўйича Ҳукумат комиссияси ҳамда вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан санация қилинадиган барча қишлоқ хўжалиги корхоналарида ташқи бошқарувчилар тайинланганлиги;

ташқи бошқарувни ўтказиш учун тижорат банкларида санация қилинадиган барча қишлоқ хўжалиги корхоналарининг махсус счётлари очилганлиги ҳамда барча пул тушумлари ва харажатлар фақат махсус счёт орқали амалга оширилиши;

санация қилинадиган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг товар-моддий бойликлар ва хизматлар учун, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш учун, шунингдек, бюджет билан ва бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб-китоблари махсус счётдан фақат тўлов топшириқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришга норматив харажатлар доирасида амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ташқи бошқарувчилар қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича минтақавий комиссиялар билан биргаликда:

санация қилинадиган корхоналарнинг товар-моддий бойликлари қолдиги ва молмулкини, қурилиши тугалланмаган ишлаб чиқаришларини, ер майдонларини, тузилган шартномаларини 1998 йил 1 январдаги ҳолатига кўра бир ой муддатда хатласинлар;

асосий фондлар ва моддий воситаларнинг ортиқча қолдиқларини сотиш чора-тадбирларини кўрсинлар, шунингдек, зарурат бўлса илгари тузилган шартномаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта кўриб чиқсинлар.

3. «Пахта-банк», «Мевасабзавотбанк», «Ғалла-банк» ва бошқа тижорат банклари дебитор қарзларини ундиришда санация қилинадиган қишлоқ хўжалиги корхоналарига кумаклашсинлар.

4. Қуйидагилар:

санация қилинадиган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг 1998 йил 1 январдаги ҳолатига кўра бюджетга муддатида тўланмаган тўловларини тўлаш, шу жумладан пеня, 2000 йилгача кечиктирилсин.

Тўлов муддати кечиктирилган маблағлар санация қилинадиган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 2000 йил мобайнида тўланади;

санация қилинадиган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг Пенсия жамғармаси, Иш билан таъминлаш жамғармаси, Ижтимоий суғурта жамғармаси ва Йўл жамғармасидан пеня қўшилмаган ҳолдаги қарзларини тўлаш 2000 йилгача кечиктирилсин. Кейинчалик улар 2001 йилдан бошлаб 2 йил давомида тенг улушларда тўланади.

5. Санация қилинадиган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг 1998 йил 1 январдаги ҳолатига кўра тўлов манбалари билан таъминланмаган кредиторлик қарзлари Узбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли вазирликлар ва идораларига имтиёзли фоизсиз кредитига қайта расмийлаштирилсин, ушбу кредит санация қилинадиган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 2003 йилдан бошлаб 3 йил давомида тенг улушларда тўланади.

«Узкимёсаноат» уюшмаси, «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси, «Узқишлоқхўжаликтаъминотузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, «Узқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси, «Узавтотранс» корпорацияси, Узбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар корхоналари ва ташкилотларининг бюджетга муддатида тўланмаган тўловлар бўйича қарзлари санация қилинаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кўрсатиб утилган идоралардан кредитор қарзи миқдоридаги қайта расмийлаштирилган кредит суммасига ҳисобдан чиқарилсин.

6. Тижорат банклари санация қилинадиган корхоналарнинг қарзларини Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги кредитига қайта расмийлаштириш операциялари ўтказилиши, Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Пенсия жамғармаси, Иш билан таъминлаш жамғармаси, Ижтимоий суғурта жамғармаси ва Йўл жамғармаси билан тузилган шартномалар бўйича қарзларнинг қайтарилиши ва улар муддати кечиктирилиши устидан қаттиқ назоратни таъминласинлар.

7. «Узагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компаниясининг:

санация қилинадиган қишлоқ хўжалиги корхоналаридан 1996 йил учун суғурта тўловлари тўлаш бўйича қарзларни 1998 йил 1 апрелгача тўлаш;

санация қилинадиган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг 1996 йил учун суғурта тўловлари бўйича қарзларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги таклифларни қабул қилинсин.

8. «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси санация қилинадиган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг 1997 йил ҳосилидан тайёрланган пахта хомашёсини қайта ишлашни 1998 йил 1 мартгача тугалласин ҳамда хўжаликлар ихтиёрида қоладиган пахта ва пахта толаси учун узил-кесил ҳисоб-китоб қилсин.

9. Узбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги санация қилинадиган хўжаликлар ёнидан ўтувчи хўжаликлараро коллектор-дренаж тизимлари аҳволини икки ҳафта муддатда текшириб чиқсин, ҳамда 1998 йилга ажратилган маблағлар доирасида уларни тозалашни назарда тутсин.

10. Узбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги аҳоли фойдаланган электр энергияси ва газ учун 1998 йил 1 мартдан бошлаб бевосита хўжаликлар аҳолиси билан ҳисоб-китоб қилинишини таъминласинлар.

11. Узбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда хўжалик ички сув қувурлари тизимларидан фойдаланишни ташкил этиш ва қишлоқ аҳолиси томонидан ичимлик сувдан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш тартибини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари хусусийлаштирилган чорвачилик фермаларининг, ижарага берилган боғлар, узумзорлар, иссиқхоналар ва бошқа объектларнинг аҳволини ўрганиб чиқсинлар ҳамда хўжаликларнинг иқтисодий манфаатларига зарар етказилган ҳолларда шартномаларни қайта кўриб чиқиш юзасидан белгиланган тартибда тегишли қарорлар қабул қилсинлар.

13. Санация қилинадиган пахта ва дон етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига ишлаб чиқариш бўлинмалари ва мазкур хўжаликдаги оилалар билан хўжалик ички пудрат шартномалари, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига эса ер участкаларининг хўжалик ички ижараси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш юзасидан хўжалик ички пудрати намунавий шартномаларини;

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

15. Узбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳамда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташқи бошқарувчилар билан биргаликда санация қилинадиган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ортиқча ходимларини бўшатиш, шунингдек, ушбу ходимларни ишга жойлаштириш бўйича бир ой муддатда таклифлар ишлаб чиқсин ва тақдим этсин.

16. Узбекистон Республикаси Прокуратурасига қишлоқ хўжалигида қонун ҳужжатларига риоя этилиши, шу жумладан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг фаолияти, шунингдек, шартнома интизоми таъминланиши устидан назоратни кучайтириш тавсия қилинсин.

17. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 14 январдаги 21-сон қарори билан белгиланган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг санация қилиниши учун /1998-1999 йилларда/ шахсий жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари зиммасига юклансин.

18. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси ва минтақавий комиссиялар санация қилинадиган хўжаликларни молиявий соғломлаштириш режаларининг бажарилишини йилнинг ҳар чорагида таҳлил қилсинлар ва ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 20-кунида Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этсинлар.

19. «Узтелерадио» компанияси, Давлат матбуот қўмитаси Узбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ва санация бўйича минтақавий комиссиялар билан биргаликда қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилишни ёритишга доир махсус эшиттиришлар ва рукнлар ташкил этсинлар.

20. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 28 декабрдаги 465-сон қарори билан тасдиқланган «Иқтисодий ночор корхоналарни санациялаш тўғрисидаги низом»нинг 1-банди қуйидаги мазмундаги хат боши билан тўлдирилсин:

«Мазкур Низомнинг амал қилиши «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ қишлоқ хўжалиги корхоналарини суддан олдин санация қилишга татбиқ қилинмайди».

21. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Б.Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 7 февраль



Мамлакатимиз пойтахти кундан-кунга чирой очмоқда. Янги маданий-маиший бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Унда хорижлик қурувчиларнинг муносиб улушлари бор.

Суратда: Покистонлик қурувчилар.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Ироқ атрофидаги можаро учинчи жаҳон урушига олиб келиши мумкин. Бу ҳақда дунёдаги барча давлатлар хавотир билан фикр юритмоқдалар. Америка Қўшма Штатлари Форс кўрфази ва Яқин Шарқда ўзининг ҳарбий кучларини тобора кўпайтирмоқда. Бу АҚШнинг Ироққа қарши уруш бошлаш қарори қатъий эканлигини кўрсатмоқда.

* * *

Германия Федератив Республикаси Ироққа қарши ҳарбий жазо қўллаш фикрини қизғин қўллаб-қувватлади. Германия ҳукумати бу борада АҚШ ва Буюк Британия таклиф этаётган ҳарбий куч ишлатиш усулини ёқламоқда. Германия Федерал канцлери Гельмут Коль Ироққа қарши ҳарбий ҳаракатлар бошланадиган бўлса, немис қуролли кучлари ҳам бунга қўшилажагини билдирди.

* * *

Фаластинда АҚШ қуролли кучларининг Яқин Шарққа жойлаштирилишига қарши намойишлар ўтказилмоқда. Намойишчилар Америка ҳарбийларининг Ироққа қарши куч ишлатишлари эҳтимолини қаттиқ қораламоқдалар.

* * *

Шри-Ланка пойтахти Коломбада содир бўлган кучли портлаш ўнлаб кишиларни ҳалок этгани маълум бўлди. Полиция ҳалигача бу портлаш айбдорларини топгани йўқ.

* * *

Словакия Республикаси яқин кунлар ичида президентсиз қоладиган бўлди. Бу ерда ўтказилган сайловларда президентликка номзоди қўйилган ҳар икки даъвогар керакли даражадаги овозга эга бўлолмади. Энди Словакия президенти лавозимини вақтинчалик мамлакат бош вазири бажариб туради.

* * *

Буэнос-Айресда бўлган кучли сув тошқини минглаб кишиларни бошпанасиз қолдирди. Табиий офат оқибатида бир неча киши бедарак йўқолган. Ҳозир уларни қидириш ишлари давом этмоқда.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Узбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 10 февралдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	55,03
1 Австрия шиллинги	6,49
1Англия фунт стерлинги	134,59
10 Бельгия франки	22,00
1 Голландия гульдени	40,22
10 Греция драхмаси	2,86
1 Дания кронаси	11,89
1 БАА дирхами	22,33
1 АҚШ доллари	82,02
1 Миср фунти	24,11
1Ирландия фунти	113,52
1 Исландия кронаси	1,13
10 Испания песети	5,36
100 Италия лираси	4,58
1 Канада доллари	57,29
1 Хитой юани	9,91
1 Қувайт динори	269,23
100 Ливан фунти	5,37
1 Малайзия рингтити	21,44
1 Германия маркаси	45,32
1 Норвегия кронаси	10,88
1 Польша злотийси	23,15
10Португалия эскудоси	4,44
1 Сингапур доллари	49,50
1000Туркия лираси	0,37
1 Финляндия маркаси	14,95
1 Франция франки	13,52
1 Швеция кронаси	10,13
1 Швейцария франки	56,14
1 ЭКЮ	89,22
10Жанубий Корея вони	0,53
10 Япония иенаси	6,57
1 Россия рубли	13,58
1 Украина гривнаси	42,56
1000 Беларусь рубли	2,56
1 Литва лити	20,51
1 Молдава лейи	17,44
1 Қиргизистон соми	4,59

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Узбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

БУЮК АЛЛОМА ШАРАФИГА

Самарқанд вилояти касаба уюшмалари кенгашида тармоқ ва бирлашган касаба уюшма ташкилотлари ходимларининг йиғини бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят тармоқ ҳамда йирик касаба уюшма қўмиталарининг раислари иштирок этдилар.

Вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси Маҳорат Боқиева Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ бу йил Имом Исмоил ал-Бухорий бобомиз таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланиши тўғрисида гапириб, улуғ муҳаддис, ҳадис илмининг султони буюк аллома юбилейини ўтказишда «Имом ал-Бухорий» халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш мақсадида касаба уюшма ходимларининг бир кунлик иш ҳақларини ҳамда вилоят тармоқ қўмиталари ва кенгаш томонидан яна қўшимча маблағ ажратиш ташаббусини ўртага ташлади.

Йиғилишда «Имом ал-Бухорий» халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлашга 100 000 (юз минг) сўмдан ортиқ маблағ ўтказишга келишиб олинди.

И.СУЛТОНОВ.

РЕСПУБЛИКА БИРЖАЛАРИДА

«Ўзбекистон» республика кўп тармоқли деҳқончилик-саноат биржасида бўлиб ўтган савдода 2,4 миллиард сўмлик ва 13 миллион АҚШ доллари қийматида маҳсулот ва кичик-кичик қишлоқ хўжалик машиналари ва уларга эҳтиёт қисмлар ҳамда ҳар соҳада маҳсулот ишлаб чиқарувчи ускуналар қўйилди.

Оренбург деҳқонлар биржаси бугдой, арпа, сули маҳсулотларини савдога қўйилиши доллар билан ҳисобланишга олиб келди. Яна Россияда ишлаб чиқарилган турли автошиналар ҳам бор эди. Биржа савдосига маҳсулот ва товарлар тури ва сони 660 хилдан ошиб кетди. Умуман, савдо жараёнида 18 та келишувга биноан 100 миллион сўмлик маҳсулотлар сотилди.

«Тошкент» республика қимматли қоғозлар биржасида бўлиб ўтган ким ошди савдосида 19 та ҳиссадор жамиятлар қатнашди. Улар ўзларининг 31,1 мингта акцияларини сотишиб, 24,5 миллион сўмлик маблағга эга бўлдилар.

Шу савдода энг яхши натижага Наманган вилояти «Жаҳон бозори» ҳиссадор жамияти эришди. Улар 1,4 миллион сўмлик акцияларининг сотилишига эришдилар. Шуни таъкидлаш лозимки, 33 та броккерлик идоралари яхши фаолият кўрсатдилар.

Биржа йил бошидан 131,1 мингта акцияларни сотиб, 101,2 миллион сўмлик маблағга эга бўлдилар.

Республика биржаларида савдолар умуман қониқарли ўтмоқда.

1998 йил-Оила йили

ОИЛА ВА БАХТЛИ ҲАЁТ

Ҳар қандай инсон балоғатга етиб, ўзининг ҳаёт йўлини белгилар экан, оилали бўлиш, яхши мутахассисликни эгаллаш, бахтли ҳаёт кечиришга интилади. Шу мақсадларга эришиш учун у уқиди, малака, тажриба орттиради, ўзини-ўзи тарбиялайди, бошқалардан билим, тажриба ўрганади.

Инсоннинг ёшликдан маънавияти тўғри шаклланса, у оила ва бахтиёр ҳаёт кечиришга оид масалаларни тўғри ечади, хатоларга кам йўл қўяди. Ҳар қандай масалани ҳал этишда ўзининг ақл-идроки, мантиқи, тажрибасига, маънавиятига таянади.

Маънавий камолоти нуқсли кишилар ҳаётий масалаларни ҳал қилишда таваккалчиликка таяниб, хатога йўл қўйишади. Айниқса, ўрта мактабни битириб, касб танлаш, қайси билим юртига ёки олий билимгоҳга кириб ўқиш масаласини ҳал қилишда кўпчилик ёшлар қийналишади. Ҳозирги пайтда улар ўзларининг қизиқиши, қобилиятига қараб эмас, кимгадир тақлид қилиб касб танлаш, ўқишга киришга кўпроқ мойилликни сезиш мумкин.

Ёшларда кўпроқ осон пул топиш ва кўп пул топиш мумкин булган касбни излаш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Ёш авлод улгайиб, ўз хатосини тушингач, уни тузатиш қийин булади. Бундай хатодан аввало инсон, кейин жамият катта талофот кўради. Шунинг учун ёшларда фанга, техникага, касбга қизиқишни уйготишга, келажагини тўғри белгиланга ёрдам бермоқ лозим. Инсон маълум муҳитда шаклланади, усади, улгаяди, камолотга етади, касб маҳорати ошади ва ниҳоят ўз касбининг устасига айланади.

Касб танлаш оиланинг моддий ҳамда маънавий асосини яратади. Оилага тегишли масалалардан муҳими оилани бунёд этишдир. Бу муаммо ниҳоятда мураккаб. Одатда келин-куёв масаласини ҳал этишда ҳар икки томоннинг бир-бирларига қўйиладиган талаблари катта аҳамиятга эга булади.

Амалиётда бу талаб аввало буйи, ёши, маълумоти, соглиги, ота-онасининг касб-кори, хизмат жойлари, оиланинг иқтисодий аҳволи, яшаш шарт-шароитлари ва бошқалар ҳисобга олинади. Бизда оила бунёд қилиш масаласида ота-она катта роль ўйнайди ва деярли кўпчилик ҳолларда бу масала улар томонидан ҳал қилинади. Юқорида келтирилган талаблар асосан юзадаги талаблар булиб, уларни кўриш, баҳолаш мумкин. Лекин бир қатор кўзга куринмайдиган, пинҳоний, ички омиллар ҳам мавжуд. Булар қаторига томонларнинг маънавияти, маданияти, тафаккури, физиологик, биологик фаоллиги, ҳис-туйғулари, табиати киради. Буларни кўриш, баҳолаш анча қийин.

Айрим ҳолларда томонлар у ёки бу оиланинг бойлигига ёки нуфузли мансаб эгасилигига ўчадилар. Оила бунёд қилишда шошма-шошарликка йўл қўйиш катта салбий оқибатларга, бахтсизликка, тушкунликка, руҳий азобларга, касалликларга олиб келиши мумкин.

Тасодифий никоҳлар узоққа чўзилмайди, натижада ажралишлар келиб чиқади. Тошкент шаҳрида ҳар йили урта ҳисобга 9320 жуфт келин-куёвлар никоҳ руйхатидан ўтади. Ажралиш жараёни ҳам кам эмас. Урта ҳисобда бир йилда 5400 тадан кўп ажралиш қайд қилинади.

Ажрашган эркакларнинг 95 фоизи уйланади, аёлларнинг эса бор-йўги 30 фоизи иккинчи маротаба турмушга чиқади. Қолгандари оиласиз ўтади. Бундай аҳволнинг оқибати маълум, албатта. Бу ҳол руҳий танглик, иқтисодий қийинчилик, ҳаётга ишончсизлик билан қарашга, аҳлоқий бузуқлик, ичкиликбозлик каби оқибатларга олиб келиши мумкин.

Узбек халқи оилага, болага берилган. Оила бунёд қилиш масаласида халқимиз катта тажриба орттирган. Халқ орасида одат тусига кирган анъаналар тўпланган оиланинг бахтли саодатли булишига қаратилган. Лекин ҳаётда оила бунёд қилиш масаласига юзаки қараш ҳоллари кўпайиб бораяпти.

Судлар томонидан ажралиш тўғрисидаги ҳужжатлар ўрганилганида, ариза-ларда кўпроқ учрайдиган сабаблар қуйидагича: бола кўрмаганлик, характери тўғри келмаганлиги, бир-бирлари билан чиқиша олмаганликлари, қайнона-келин ўзаро келиша олмаганлиги ва ҳ. к. Лекин бу сабаблар юзадаги, баҳона сифатида фойдаланиш қулай булган сабаблардир.

Агар келин-куёв физиологик, биологик, ижтимоий, маънавий жиҳатларидан бир-бирларига тўғри келадиган жуфт булиб, улар орасида муҳаббат ҳис-туйғулари мавжуд булса, оила камдан-кам ажралади. Аксинча, бундай оила кўп ҳолларда бахтиёр оила булади.

Икки ёш бир-бирига физиологик тўғри келиши деганда, аввало келин-куёвнинг ёшлари, буйи-бастининг бир-бирига мослиги назарда тутилади.

Ҳаёт тажрибаси, талқиқотлар, йигитнинг ёши қизникидан катта булишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Биологик мослиги тушунчаси келин-куёвнинг руҳияти, генетик қўшилиб фарзанд кириш қобилияти, айниқса мижозининг бир-бирига мос келишини англатади.

(Давоми 2-бетда)

(Давоми.Боши 1-бетда)

Маълумки, келин-куёв мижозларининг бир-бирига тўғри келиши ҳам оилавий бахтга эришишда муҳим омиллардан ҳисобланади. Эркак ва аёллар 4 мижозга, яъни сангвиник, холерик, флегматик, меланхолик тоифаларга бўлинади.

Сангвиник ва холерик тоифасидагилар иссиқ мижоз, флегматик ўртача, меланхолик тоифасига кирувчилар совуқ мижоз ҳисобланадилар.

Янги оилани бунёд қилишда кўпинча мижозга эътибор берилмайди. Иссиқ мижозлилар ўзларига ўхшаган иссиқ мижозлилар билан яхши қўшилишади. Сангвиник, холерик, флегматиклар бир-бирларига тўғри келадилар. Сангвиник билан меланхолик бирбирига қўшилиши қийин.

Мижоз йигит-қизнинг ҳатти-ҳаракатида ҳам ўз аксини топади. Сангвиник, холериклар тезкор, жаҳли тез чиқиб, тез ўзига келадиган, барча гапи тилида, узоқ хафа бўлмайдиган, овқатни тез ейдиган, шошма-шошар, ишни тез қиладиган, хулосаларни тез чиқарадиган, қайсар, сўзидан қайтмайдиган, устунликка эга бўлишни ёқтирадиган хусусиятга эга кишилар.

Флегматиклар босиқ, ўйлаб гапирадиган, етти ўлчаб бир кесадиган, ишни пухта қиладиган, вазиятга қараб хулқ-атворини мослайдиган характерга эга.

Меланхоликлар ўта шошмайдиган, секин гапирадиган, имиллаб иш қиладиган, фикрни секинлик билан тушунадиган, қисқаси «дунёни сув босса тўпиғига чиқмайдиган» тоифадаги одамлардир.

Келтирилган хусусиятлардан кўриниб турибдики, сангвиник билан холерик, меланхолик тоифасидагиларнинг акси. Булар бир-бирларининг асабларига таъсир кўрсатувчилар, чунки тезкор одам имиллаганни ва аксинча имиллайдиган шошма-шошар одамни ёқтирмайди. Мижоз масаласига қизлар бардош билан муносабатда бўлсалар, йигитлар кўпроқ сабрсизлик билан қарайдилар. «Ёш оила» бунёд бўлгач, кўпинча йигитлар хотинини «совуқлиги» ва бошқа ўзларига тўғри келмайдиган омилларни келтириб, шикоят қила бошлайдилар. Бу ҳолат бора-бора оиланинг барбод бўлишига сабабчи бўлади.

Амалда йигит-қизлар мижоз тўғрисида етарли маълумотга эга бўлмаганлари учун бу омилларга эътибор бермайдилар. Бу омил оилавий ҳаёт бошланганидан кейин юзага келади. Ота-оналар, умуман катталар ўз фарзандларига бу масалада ёрдам берсалар, юзаки ёндошиб никоҳга кириш, пухта ўйламай оила қилиш камайиб, ажралиш ҳам шунга яраша камайган бўларди.

Ривожланган мамлакатларда йигит-қиз оила қуришга аҳд қилганларидан сўнг, тиббий кўрикдан ўтиб, руҳшунос маслаҳатини оладилар. Бир-бирларига тиббий кўрик натижаларини беришади. Руҳшунос маслаҳатига риоя қилишади. Агар барча натижалар бахтли оила қуришдан дарак берса, никоҳдан ўтишади, акс ҳолда бир-бирларидан хафа бўлмай, бахтли оила қуришдаги қидирув яна давом эттирилади.

Иқтисодий жиҳатдан ҳам келин-куёв бир-бирига мос бўлса яхши бўлади. Бир томон иқтисодий кучли бўлиб, иккинчи томон заиф бўлса, бир томоннинг иккинчи томонга тобелик вазияти келиб чиқади. Бу ҳол ҳам арзимаган сабаб туфайли оилани барбод бўлишига олиб келиши мумкин. Ижтимоий тенглик деганда, келин-куёв уйларидаги оилавий шароит кўзда тутилади. Келин ёшликдан яхши оилавий шароитда тарбия топган бўлса, шу шароит унинг учун одат бўлиб қолади. Турмушга чиққач, куёв томоннинг шароити яхши бўлса, келиннинг бу шароитга кўникиши тез ўтади. Тафовут катта бўлса, гап-сўзлар чиқиб, келин-куёв ўртасида олдин оддий гап-сўз ўтиб, кейин секин-аста жанжалга олиб келади.

Ўзаро муносабатларда жанжал бошланган кундан бошлаб бир-бирларига ҳурмат, ишонч ҳис-туйғулари пасайиб боради. Жанжал тез-тез қайтарилиб турса, келин-куёв бир-бирларига ётлашиб, бирга яшаш қийинлашиб қолади.

Маънавий тенглик ижтимоий тенгликнинг бир булаги. Маънавий яқинлик нафақат келин-куёвни гўзал қилади, улар ўзаро бир-бирларига инсоний фазилатларни намойиш қилиб, бир-бирларига бўлган муҳаббатни кучайтириб, оилавий ҳаётни лаззат манбаига айлантирадилар.

Маънавият келин-куёвни мазмун жиҳатдан муносиб қилиб, улар бир-бирларини маънавий бойитиб бориб, муносабат маданияти ҳам юқори даражада бўлади. Ижтимоий, маънавий тенгликни таъминлаш учун келин ҳам, куёв ҳам оилавий ҳаётга ўзларини тайёрлашлари зарур. Хўш, оилавий ҳаётга тайёргарлик нимадан бошланади?

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларни аввало аҳлоқ-одоби, бадан ва руҳ тозалиги, муомала маданияти, кийим-кечакни, ўрин-кўрпани, уйни, уй жиҳозларини тоза тутиш, сабр-бардошли бўлиш, қийинчиликларга чидаш, ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари киради.

Ёшларда бошидан асл инсоний фазилатларни шакллантириш, инсонпарварлик, адолатпарварлик, раҳм-шафқатлилик, хайрихоҳлик, саховатлик, инсофлилик, ҳалоллик, меҳр-оқибатлилик, муҳаббат, софдиллик, эзгулик, аҳлоқийлик, имонлилик, эътиқодлилик, вафодорлик, виждонлилик, эзгулик йўлида фидоийлик, ватанпарварлик, катталарга нисбатан иззат-ҳурматлиликни улар онгига сингдириш муҳим.

Агар ёшлар оилавий ҳаётнинг биринчи кунидан бошлаб бахтли оила қуришни ният қилиб, уни амалга оширишга астойдил киришсалар, оилани авайлаб-асрасалар, бир-бирларини эҳтиёт қилсалар, бўлар-бўлмас майда гапларга эътибор бермасалар, бахтли оила бунёд бўлади. Оилада соғлом, ширин-шакар, ақлли-ҳушли фарзандлар туғилади. Оила ҳар томонлама баркамол бўлади. Бундай оилада хайр-барака зиёда бўлади. Оила аъзоларининг руҳи тетик, кайфияти яхши, соғлиги мустаҳкам бўлади. Бундай оилада муҳит ҳам соғлом бўлади.

ОИЛА ВА БАХТЛИ ҲАЁТ

Айрим оилаларда фарзандларни ёшликдан эркалатиб, оилавий ҳаётга ўргатмайдилар. Бундай фарзандлар ҳаётга юзаки қараб, ўзларини ҳам ота-она, қариндош-уруғларини ҳам руҳий азобга қўядилар. Оиланинг мустаҳкам бўлмагани жамиятга ҳам ўз салбий таъсирини ўтказади.

1998 йилнинг мамлакатимизда оила йили деб эълон қилиниши, оилага бўлган эътиборни кучайтириш, оилавий муаммоларни ҳал қилишга жиддийроқ қарашга даъват қилишдир. Соғлом, иқтисодий бақувват, маънавий баркамол оилалар қанча кўп бўлса, мамлакатимиз шунча фаровон бўлади. Маънавияти чуқур инсон оилада жанжал, келишмовчилик келиб чиқишига йўл қўймайди. Оила бахтли бўлиши учун нима қилиш керак? Бу саволга жавоб беришда қисқа қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин: Аввало неча ёшда никоҳдан ўтиб, оила қуриш мумкин? Қонунга кўра 18 ёшдан никоҳдан ўтиш мумкин. Амалда-чи?! Амалда кўплаб ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатаяптики, инсон оилавий ҳаётга жисмоний, руҳий, биологик, иқтисодий, маънавий, маданий томондан пишиб етилиши керак. Кўп томондан эркаклар 26-29 ёшида, аёллар эса 23-26 ёшида шундай мезонга етади. Бизда эса қизларни 17-18 ёшида эрга бериш, ўғил болаларни 20-22 ёшида уйлантириш оммавий одат тусига кирган. Агар қизлар 22 ёшгача эрга чиқмаса, ўтириб қолганга чиқаришади.

Кейин қизлар турмушга чиққач, маълумотидан қатъий назар 3-4 болани кетма-кет туғиб, бутунлай жамиятдан ажралиб қоладилар. Улар кўп ҳолда бола тарбияси баҳона ижтимоий-иқтисодий фаолликдан маҳрум бўлиб қолишади.

17-18 яшар қиз бола ва 20-22 яшар йигит жисмоний жиҳатдан етарли шаклланмаган, руҳи чиниқмаган, иқтисодий заиф бўлади ва ота-онасига 5-6 йил мобайнида қарам бўлади. Оила тебратиш осон эмас. Оиланинг ўзига яраша сарф-харажатлари бўлади.

Ўғил бола 26-29 ёшида характери шаклланган, нисбатан иқтисодий барқарорликка эришган, ўз йўлини топган бўлади. Йигитлар 26-29 ёш орасида уйланган, қиз болалар 23-26 ёшда турмушга чиққан оилалар таҳлил қилинганда, бошқа ёшдагиларга қараганда ажрашиш улар орасида энг кам бўлган. Чунки бу ёшда эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам дунёқараши муайян тарзда шаклланган ва оила масаласини пухта ўйлаб ҳал қиладиган бўлади. Айнан шу ёшда турмуш қурган оилаларда фарзандлар бақувват, соғлом, ақлан кучли бўлиб туғилар экан. Бу тажриба.

Биз оиланинг мустаҳкам бўлиши учун ёшларни биргаликдаги ҳаётга қандай тайёрлаш ҳақида мулоҳазаларни баён этдик. Ҳозирги кунда оилани мустаҳкамлаш, унга мадад бериш, қуллаб-қўлтиқлаш ҳам давлат, ҳам кенг жамоатчиликнинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Шундай экан, матбуот, умуман, оммавий ахборот воситаларида кенг фикр алмашиш шу вазифани ижобий ҳал этишга самарали ёрдам беради.

Ф.АБДУРАҲИМОВА, С.САЛИМОВ.

Иқтисодиёт чорраҳасида

ИШЧИЛАР-АСОСИЙ КУЧДИР

Давлат Тўраев меҳнат фаолиятини 1988 йили Самарқанд шаҳридаги «Автоваз агрегат» заводидан бошлади. Кейинроқ Навоий шаҳар Дон маҳсулотларини қабул қилиш корхонасида ишлаб, 1997 йилнинг октябридан Навоий нон заводи ҳиссадорлик жамиятининг раиси лавозимида меҳнат қилиб келмоқда.



-Давлатжон, шундай йирик корхонага раҳбар бўлиб келганингиздан сўнг дастлабки ишни нимадан бошладингиз?

-Навоий нон заводи шўъба корхонаси 1963 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Табиийки, бу даврга келиб биринчи вазифа халқимизнинг сифатли ва кўп ассортиментдаги нон маҳсулотлари билан таъминлаш учун техника-технологияларни талаб даражасига келтириш бўлди. Чунки ишлаб чиқариш янги, замонавий услубда ташкил этилмаса, корхонанинг рентабеллигини ошириш ҳақида хаёл суриб бўлмайди. Ўтган қисқа муддат ичида корхонамизни косметик таъмирдан ўтказиб, ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этадиган техник воситаларни замонавийси билан алмаштирдик. Қайта таъмирлаш ишлари корхона ишчи-ходимларининг ўз куч-қувватлари, саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилди. Шунинг оқибати бўлса керак, ишчиларимиз ускуна-жиҳозлар билан ишлашда қатъий интизомга риоя қиладилар.

-Корхонангизда қанча ишчи-ходим меҳнат билан банд?

-Бугунги кунда ишчилар сони 200 кишини ташкил этади. Шулардан 60 фоизи аёллар бўлгани сабабли меҳнат шароитини яхшилаш ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор бериб келаётирмиз. Ишчиларимиз 4 сменада ишлашади. Умумий, ишлаб чиқариш қуввати 40 тонна бўлган корхонамизда 36 турдаги нон ва нон маҳсулотлари, қандолат ширинликлари тайёрланади. Айни вақтда маҳсулотларимизни сотиш масаласида жиддий иш олиб бораётирмиз. Хусусан, шаҳар ҳокимияти билан келишилган ҳолда нон маҳсулотларини сотиш учун бешта савдо дўконини қуриш арафасида турибмиз. Бу билан биз шаҳримиз аҳолисининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириб, савдо маданиятини олий даражага етказамиз. Чунончи, нақд пул тушуми кўпайса, ишчиларнинг ойлик маошини ўз вақтида етказиб бериш имконияти ҳам кенгаяди.

-1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилинишини қандай кутиб олдингиз, умуман, бу йилда амалга оширмоқчи бўлган иш режаларингиз билан ўртоқлашсангиз...

-Халқимиз болажон, серфарзанд халқ. Шундан маълумки, юртимизда оила қуриш, уни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш жамият миқёсидаги аҳамиятга эгадир. Шуни эътиборга олиб, ходимларимиз оиласини ҳар томонлама муҳофаза этишга масъуллигимизни сезамиз. Бу йилдаги вазифаларимиз анча салмоқли. Хусусан, ишчилар ойлик маошини бир баробар оширишга эришиш, ижтимоий аҳволи ночор ишчиларимизга моддий ёрдам кўмагини беришга эътиборимизни қаратмоқчимиз. Шу билан бирга 1998 йилда оила қурадиган ёш йигит-қизларимизнинг никоҳ тўйларига ёрдам бериш, янги фарзандли бўлган оилалардаги чақалоққа кийимбош олиб бериш, ёш болали оналарга бир минимал ойлик қийматида ёрдам пули беришни режалаштириб қўйдик.

Бу ишларни амалга оширишда касаба уюшмаси билан ҳамкорликда қилинадиган дастурлар тузиб чиққанмиз. Шунингдек, шу дастур асосида жамоамизда иш олиб бормоқдамиз. Келажакдаги мақсадимиз, нон заводимизнинг республикамизда энг етук, иқтисодий бақувват, кенг тармоқли ишлаб чиқариш корхонасига айлантириш ниятидамиз ва бутун ишлаб чиқариш вақтларини янги чет эл ускуналари билан алмаштириш истагидамиз.

Суҳбатдош: Ҳамид СУЛАЙМОНОВ.

Жамоа шартномаси бандлари бажарилиши қай аҳволда?

МЎЛ ҲОСИЛГА БУГУНДАН ТАЙЁРЛАНАЙЛИК

Меҳнат жамоаларида касаба уюшмалари билан маъмурий-хўжалик идоралари ўртасида ўтган йили тузилган шартномалар ижроси синчиклаб ўрганилиб, янги, аввалгидан ҳам пишиқ-пухталарини тузиш ҳаракати якунланмоқда. Уларда Меҳнат Кодексида кўзда тутилган кўп масалаларнинг, жумладан, «Қиш фаслини ҳақиқий иш фасли» сифатида ўтказаётган деҳқонлару механизаторлар, мутахассислар ҳақ-ҳуқуқлари, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ўз аксини топаяпти. Биз танишиб чиққан жамоа шартномаларида иш берувчи корхонада доимий иш барча зарурий материаллар билан таъминлашига, меҳнат шароитини яхшилашга муҳим ўрин берилган. Шунингдек, шартномаларда сув билан ҳаводек зарур иш қуроллари-техникаларнинг шай бўлиши, уларни ўз вақтида таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ҳам алоҳида таъкидланган.

Бизни бу йилги янги шартномалар тузилиши билан бирга ўтган йилги ўзаро ҳамкорликда тузилган шартномаларнинг ижроси ҳам кўпроқ қизиқтирди. Айниқса, Қорақалпоғистон республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари бу шартномаларга қай даражада амал қилаяпти, техникаларни созлаб ишлатиш, уларни таъмирловчиларга етарли шароитлар яратиш, тракторлардан улов сифатида фойдаланишда техника хавфсизлигига қатъий амал қилиш масалалари ўз ечимини топганми? Шу масалаларга жавоб топиш мақсадида Қорақалпоғистоннинг қатор туманларида бўлиб, аҳвол билан танишдик. Чунки фасллар келинчаги - баҳор ҳам эшик қоқмоқда. Демак, катта синов-экиш мавсумига саноқли кунлар қолди. Бу тадбирни кўнгилдагидек ўтказиш эса техникалар созлигига, уларнинг бетўхтов, самарали ишлатилишига боғлиқ. Очиғини айтганда Қорақалпоғистондаги бу борадаги ишлар ҳавас қиладиган даражада эмас. Умуман, Оролбўйи ҳудуди қишлоқ хўжалиги ўтган йилни дуруст натижалар билан якунламади. 13 та пахтачилик туманларидан тўрттаси, 147 хўжаликдан 80 таси пахта тайёрлаш, 25 хўжаликдан иккита давлат хўжалиги шоли топшириш йиллик режаларини ўринлаб, жамоа шартномасининг асосий бандларини бажаришди, холос. Демак, даромад олиш камайди. Бу эса моддий-техника базасини мустаҳкамлашга салбий таъсирини кўрсатди. Машина-трактор саройларини янги техникалар билан мустаҳкамлаш режаси деярли чиппакка чиқди. Эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ёмонлашди. Энг ачинарлиси, дала меҳнаткашлари йил-ўн икки ой (пахта терими пайти бундан мустасно, албатта) иш ҳақи ололмасдан қолишди.

Бозор иқтисодиёти даври ўзининг темир қонуниятларига эга. Боқимандалик кетмайди. Маблағинг борми, марҳамат, нима зарур бўлса, қўлинг узун, хоҳлаган технология, хорижий техникалар харид қилиш мумкин. Масалан, Қорақалпоғистонга 1996-1997 йилларда 130 та ҳайдов тракторлари (жумладан 55 дона «Магнум») 62 та шоли комбайнлари (жумладан 55 дона «Кейс», 27 та «Класс» русумли) ва 50 та пахта териш машиналари, 158 та чопиқ тракторлари харид қилиб олинди. 1997 йилги режалар бажарилмагани боис амалдаги йилда бундай ҳажмдаги техникаларни сотиб олишга хўжаликлар тугул, янгидан ташкил этилган 20 та машина-трактор саройларининг (МТС) ҳам қўли қисқалик қилиб қолиши табиийдир. Хўш, нима қилиш зарур? Тадбиркорлар бунинг олдини олиш мақсадида ўзларида бор бўлган техника ва механизмларни аъло даражада таъмирлаяптилар. Эски бўлса ҳам бутунлай ишдан чиқмаган эҳтиёт қисмларни қайта созлаб фойдаланаяптилар. Хуллас, «Сопини ўзидан чиқазиб», техникаларни баҳорги экишга шай қилиш ҳаракатидалар. Тўрткўл туманидаги «Шўрахон», Тахтакўпир туманидаги шу номдаги ва Қўнғирот туманидаги «Кўкдарё» хўжаликларида, Беруний, Элликқалъа, Нукус, Қонликўл туманларидаги қатор уюшмалар, бирлашмалар, жамоа хўжаликларида касабақўмлар билан тузилган шартномалар асосида изчил иш олиб борилиб, техникалар аллақачон баҳорги экишга тахт қилинди. Бироқ, ҳамма хўжаликларда ҳам бу борада шу кун талаби даражасида иш олиб борилаяпти, деб бўлмайди. Масалан, бир неча йиллардан буён контрактациявий шартномаларни бажармасдан, қолоқлик ботқоғига ботиб келаётган Амударё туманидаги «Қиличбой» жамоа хўжалиги маъмурияти ҳам, касабақўми ҳам ўзлари тузган жамоа шартномасининг ўринланишига панжа орасидан қарамоқда. Хўжаликдаги мавжуд 23 та ҳайдов, 18 та экиш агрегати ва бошқа техника воситаларидан бирортаси ҳам (1 февралгача) марказий устахонага келтирилмаган. Бу техникалар механизаторларнинг уйлари ёнида, очиқ ҳавода занг босган ҳолда сақланмоқда. Уларга зарур бўлган эҳтиёт қисмлар муаммоси ҳам ечилмади. Энг ачинарлиси, марказий устахона ходимларига етарли шароитлар яратиб бериш, махсус кийим-кечаклар, иссиқ овқат билан таъминлаш ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмаган. Ўтган йил бўйича иш ҳақлари тўланмаган.

Тўрткўл туманидаги Жамбасқалъа мавзесида жойлашган «Пахтаобод» деҳқон-фермер хўжалигида ҳам худди шундай манзарага дуч келасиз. Бу ердаги марказий устахонага мавжуд 23 та ҳайдов тракторларидан атиги 7 таси келтирилган. Қолганлари эҳтиёт қисм сифатида талон-тарож қилинган. Фикримизни далиллаш учун мисоллар келтирайлик. Хўжаликдаги 14-бригада механизатори Б.Қурбоновнинг, 13-бригада механизатори К.Отажоновнинг уйи қошида бир донадан, 2-бригада механизатори А.Раҳимовнинг уйи қошида иккита «Олтой» русумли тракторлар эҳтиёт қисмларга айлантирилган. Ваҳоланки, жамоа хўжалиги маъмурияти билан касабақўм ўртасида имзоланган жамоа шартномасида техникаларни кўз қорачиғидек сақлаш тўғрисида алоҳида таъкидланган. Шу туманидаги Обожон Дурдиев номидаги деҳқон (фермер) хўжалигида бепарволик ва ёлғон маълумот тайёрлаш-фақат ўзини-ўзи алдаш эканлигига яхши тушунишмаётгани бизни ажаблантирди. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига мавжуд 17 та ҳайдов тракторларидан 11 таси мавсумга тахт, деб маълумот берилган. Аслидачи? Шунча тракторлардан 14 таси устахонада таъмир кутиб турибди, қолган 3 таси эса механизаторларнинг уйлари олдида «қантариб» қўйилган.

Таъмирлаш ишларининг ўлда-жўлдалиги Нукус туманидаги «Дарсан», «Кердар»,»Қутанкўл» ва «Оқманғит» хўжаликларида ҳам учрайди. Механизатор ва таъмирловчиларга етарли шароитлар яратилмагани боисидан улар ўзларига бириктирилган техника ва механизмларни уйлари қошида таъмирлаяптилар. Негаки, мазкур хўжаликлар устахоналарида ишловчилар учун шарт-шароитлар яратилмаган, ҳатто ичимлик суви билан таъминлаш ҳам ташкил этилмаган.

Беруний туманидаги Махтумқули номидаги деҳқон (фермер) хўжаликлари бирлашмасида ҳам худди шундай аҳвол юз бераяпти.

Мамлакатимиз Президенти И.Каримов Олий Мажлиснинг Х-сессиясида сўзлаган маърузасида: - Қишлоққа зарур техника воситаларини етказиб бериш, уларга эҳтиёткорона ва тежамкорлик билан муносабатда бўлишни ташкил этиш энг муҳим вазифалардан биридир»,-деган эди. Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни техникасиз асло тасаввур қилиш мумкин эмас. Энг мураккаб ва қийин экологик шароитдаги Оролбўйи минтақасида эса бунга амал қилиш тўрт-беш карра муҳимроқдир. Шундай экан, маъмурият ва касаба уюшмалари томонидан тузилган жамоа шартномаларининг ҳар бир бандига қатъий амал қилиш ҳаётий вазифа ҳисобланади. Шундай қилинмас экан, бу йил Қорақалпоғистонда жами 420 минг гектар ерга деҳқончилик қилиш, шу жумладан 145 минг гектарга чигит, 75 минг гектарга шоли экишни белгиланган муддатларда юксак агротехника қоидалари асосида экиб олиш амри маҳолдир.

Халқимиз айтганидек: - «Иш қуролинг соз бўлса, машаққат оз бўлади», энг муҳими кузда кўтариладиган юксак хирмоннинг асосий омили эканлигини эсдан чиқармаслик шарт.

Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири.

Булунғур туманидаги 1-ўрта мактабда 1370 ўқувчи билим сирларини эгаллашмоқда. Мактаб ўқитувчилари ёш авлодга таълим-тарбия беришда изланишмоқда. Мактаб касаба уюшма қўмитаси жамоа аъзоларини ижтимоий муҳофаза этишга катта эътибор бермоқда.

Суратда: (ўртада) мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси Сулаймон Мустаев ўқитувчилар Иброҳим Фармонов, Шукрулло Ҳудойқулов, Синдор Эшмуродовлар билан мулоқотда.

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

Маданият

БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 515 ЙИЛЛИГИГА

Буюк саркарда ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 515 йиллиги муносабати билан «Ҳамза» номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театрида маънавий ва маърифий кеча бўлиб ўтди. Кечани Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг раҳбари ёзувчи Неъмат Аминов кириш сўзи билан очди. Сўзга чиққанлардан ёзувчи Примқул Қодиров «Бобур маънавиятида Амир Темур анъаналари» ҳақида маъруза қилди. Афғонистонлик бобуршунос олима Шарифа Ёркин Бобурнинг «Қобул девон»и ҳақида маълумот берди. Шунингдек, кечада Зокиржон Машрабов, Сайфиддин Жалилов, Абдул Ҳаким Шаръий Жузжонийлар ўз маърузалари билан қатнашдилар.

С.ҚОСИМОВА.

Ижтимоий ҳимоя

ЮЗГА КИРГАНГА ҚЎШИМЧА НАФАҚА

Инсонга қанча умр берилган? Буни ҳеч ким билмайди, бу биргина Аллоҳга аён. Юзга кирган отахону онахонлар бор. Уларни кўриб дилимиз яйраб кетади. Қариси бор уйнинг париси бор, деган нақлда оламолам маъно борлигига шоҳид бўламиз. Нуронийларимизни ҳар қанча алқасак шунчалик оз.

Навоий вилояти ҳокимлиги шуни назарда тутиб, аср оша ган ҳар бир кишига республикадаги энг кам иш ҳақи миқдорида қўшимча нафақа белгилади. Вилоят ҳокимлигининг бундай меҳр-мурувватидан қариялар беҳад мамнун бўлмоқдалар.

Оила йилида вилоят ҳокимлиги аҳолини ижтимоий ҳимоялашга эътибор беришни кўзлаган.

М.СУВОНОВА.

Меҳнат бозори

АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ: ЯНГИ СИЁСАТ

Сердаромад, соғлиқ учун зарарсиз ҳамда обрўли жойда ижтимоий меҳнат билан машғул бўлишлик ҳамма даврда одамларнинг эзгу орзуси бўлиб келган. Лекин гап ҳозир одамларнинг орзу-ниятлари эмас, балки жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг бандлик соҳасига бевосита таъсири ҳақидадир. Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчилик шаклларини ўзгариши меҳнат ва бандлик соҳасидаги муносабатларга янгича ёндошувни тақозо этаётир. Хусусан, бозор шароитида биринчи галда ишчи кучи малакасига бўлган талабчанлик ортади. Кишилардан юқори куч-қувват билан меҳнат қилишлик талаб этилади. Бунинг натижасида жамиятда ижтимоий қатламлар вужудга келади. Жамият аъзосининг меҳнат қилиш эҳтиёжи ва имкониятларини қондириш муайян тармоқ корхона, ташкилот ва муассасалар ҳисобига амалга оширилади ва бу бандликни келтириб чиқаради.

Эътибор бериб қаралса, ҳозирги вақтда кишилар ўз имкониятлари ҳамда жамият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш билан хоҳласалар банд бўладилар, хоҳламасалар йўқ. Шахслар меҳнат турини эркин танлайдилар ва ўз кучларини эркин таклиф қилиш ҳуқуқига ҳам эгалар. Ўз навбатида ишга қабул қилувчилар учун ҳам бу жараённи амалга ошириш учун эркинлик берилган, яъни ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бу эркинликларни таъминлаб бера олади.

Хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига ўтилаётган шароитида аҳолини иш билан таъминлашнинг янгича сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Юртимизнинг тарихий, демографик, иқтисодий, ижтимоий, миллий ва экологик вазиятини эътиборга олган ҳолда қуйидаги хусусиятларни ёддан чиқармаслик лозим.

Ўзбекистон Марказий Осиё республикалари ичида аҳолисининг табиий ўсиши бўйича олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. 1995 йилда республикамиз аҳолиси сони 22,5 миллионга етди. Сўнгги 25 йил давомида аҳолимиз сони деярли икки баробарга кўпайган. Аҳолининг бундай суръатлар билан ўсиши республика меҳнат ресурслари сонининг йилига ўртача 200 минг кишига кўпайишига олиб келаётир. Бу эса уларни иш билан таъминлаш, халқ хўжалигида банд қилиш масаласини кўндаланг қўяди.

Иккинчидан, республикамиз банд аҳолисининг катта улуши қишлоқ тармоғига тўғри келади. Маълумотларга қараганда, 1994 йилда республика банд аҳолисининг 44,2 фоизи қишлоқ хўжалигида меҳнат қилган ва миллий даромаднинг салмоқли қисмини етказиб берган. Айни вақтда Японияниг 8 фоиз, Франциянинг 7,5 фоиз, АҚШнинг 0,7 фоиз аҳолисигина қишлоқ меҳнати билан банддир. Қишлоқда меҳнаткашларнинг салмоғини камайтириш, жойларда саноат, хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш ишлари ҳозирда кенг миқёсдаги ислоҳотларимизнинг дастурига айланди. Хусусан, Президентимизнинг сўнгги сессияда сўзлаган нутқларида ҳам қишлоққа саноатни олиб кириш, тармоқда мулкдорлар синфини изчил шакллантириш тўғрисида гап боради.

Бугунги кунда республикамизда меҳнатга яроқли хотин-қизлар умумий ресурсларининг 50,4 фоизини ташкил қилади. Ва уларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалиги ишлари билан бандлир. Оғир қўл меҳнатининг катта улуши аёллар зиммасига тушаётгани ҳам ҳаммага маълум. Ваҳоланки, аёлларимиз ижтимоий меҳнатдан ортган вақтларида ҳам кўпинча маданий ҳордиқ чиқариш, дам олиш ўрнига оила тебратиш, бола тарбиялаш билан машғул бўладилар. Шу жиҳатларини ҳисобга олиб, аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишда хусусий сектордаги ишлаб чиқариш субъектларининг тажрибаси таҳсинга лойиқ. Чунки, маълум бўлишича, асосан хусусийлаштирилган корхона-ташкилотларда бундай имтиёзларга жиддий эътибор қаратилаётир.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли таркибида ёшлар салмоғининг юқорилиги ҳам бандлик соҳаси олдида турган муаммолардан асосийси ҳисобланади. Айни вақтда Ўзбекистондаги меҳнат ресурсларининг қарийб ярмини ёшлар ташкил этади ва йилига 200 мингдан зиёд ёшлар ижтимоий меҳнат қилиш ёшига етадилар. Уларни ўқитиш, касб-ҳунарга бериш ва иш билан банд қилиш муҳим ижтимоий масалалардан ҳисобланади. Бу муаммони ҳал этиш, ёшлар орасида етук мутахассис ва малакали ишчилар чиқариш ҳаракати амалда бошлаб юборилди.

Фанда «демографик оғирлик» деган тушунча мавжуд. Яъни, бу дегани аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми зиммасига «ўзини ҳамда шу навбатда иқтисодий фаол бўлмаган аҳолисини боқишлик юклатилади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 1,04 га тенг. Соддароқ айтганда, меҳнат билан банд бўлган ҳар юз нафар киши ўзидан бошқа яна 104 киши учун меҳнат қилади. Бу ҳолат бошқа давлатлар билан таққосланса, туғилиш даражаси кам бўлган Россия, Украина, Белоруссия давлатларида 0,75 — 0,79га тенглигини кўриш мумкин.

Бу муаммоларни босқичма-босқич ҳал этиш мақсадида ҳозир республикамизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, оилавий пудрат мулкчилик шаклини кенг ёйиш ишлари самарали олиб борилаётир. Ижтимоий йўналтирилган иқтисодий ислоҳотларимиз навбатдаги мазкур масалаларни қай даражада самарали ҳал этиши эса ҳар биримиздан тадбиркорлик, ижтимоий фаолликни талаб этади.

Элшод НАБИЕВ, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Бебаҳо топилма

Россия Федерацияси Мудофаа вазирлигининг Подольск шаҳридаги Марказий архиви меҳмонхонаси ҳовлисида дам олиб ўтирган эдим. Ёнимга келиб ўтирган нотаниш киши менга мурожаат қилди:

-Сиз Ўзбекистондан бўласизми?

-Ҳа, шундай,-дея жавоб бердим.

-Мен Ростов вилоятидан бўламан. Фамилиям Михайлов, гитлерчи босқинчиларга қарши олиб борилган жангларда 276-ўқчи дивизия таркибида қатнашганман. Яқинда Житомир вилоятининг Дзержинский туманидаги Карвиновка қишлоғида дивизиямиз фахрийларининг учрашуви бўлди. Шу қишлоқдаги биродарлар қабристонида ўрнатилган ёдгорликка шиддатли жангларда ҳалок бўлган жангчиларнинг номларини ёзиб қўйилган экан. Улар орасида ҳамюртларимиз ҳам бор. Уларни ён дафтаримга ёзиб олган эдим.

Марказий архивда жангларда ҳалок бўлган ўзбекистонликлар тақдирлари ҳақидаги маълумотларни тўплаётган пайтимда янги танишимнинг одамгарчилиги мен учун бебаҳо топилма бўлди.

Дарҳол рўйхатни кўчириб олишга киришдим. Мана улар: Жума Кенжаев, Камол Ерматов, Турғун Бойхонов, Азим Абдуллаев, Ҳабибулло Сирожов, Наби Назаров.

Архивдаги 276-ўқчи дивизия фондидан юртдошларимиз фронтга республикамизнинг қайси вилояти ва қайси туманидан йўл олганликларини аниқлашга киришдим. Ҳаракатларим зое кетмади.

Азим Абдуллаев Фарғона вилоятининг Данғара туманидаги Охунбобоев номли хўжаликдан. Унинг жасади 1944 йил 1 январь куни Житомир вилоятидаги Катериновка қишлоғида дафн этилган экан.

Турсун Бойхонов фронтга Марғилон туманидан йўл олган. Архив ҳужжатида онаси Ҳ.Аҳмедованинг номи ёзилган. Турсун Бойхонов 1944 йил 4 январь куни Житомир вилоятининг Дзержинский туманидаги Карвиновка қишлоғида дафн этилган экан.

Камол Ерматов (аслида Эрматов экан)-Узун туманидаги Узун қишлоғидан. Фронтга Олтинкўл туманидаги Жалабек қишлоғидан йўл олган. Жума Кенжаев ҳужжатида отаси Кенжабой Асрақулов деб ёзиб қўйилган. Наби Назаров Фарғона вилоятидаги «Ёш куч» хўжалигидан. Отаси Назар Қўшматов экан.

Камол Эрматов, Жума Кенжаев, Наби Назаров, Ҳабибулла Сирожов ҳам Турсун Бойхонов билан бирга Житомир вилоятининг Дзержинский туманидаги Карвиновка қишлоғида дафн этилган.

...Москва остоналари, Волга бўйларидан то Берлин, Будапешт, Прага, Венагача ястанган қардошлик қабристонларида минглаб ҳамюртларимиз номлари зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган.

Қаҳрамонлар хотираси қалбимизда абадий сақланади. Ён дафтарига ўзбек жангчилари номларини ёзиб олган Николай Иванович Михайловнинг ҳурмат-эътибори фикримизнинг далилидир.

Мажид САМАДОВ.

Ҳуқуқий саҳифа

Оила Кодекси лойиҳаси муҳокамада

ЖАМИЯТИМИЗ ТАЯНЧИ

Маълумки, ҳар бир кун, йилнинг ўзига хос файзу тароватu бўлади. Шу жумладан, бошланган 1998 йилимиз ҳам тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзилажак йиллардан бўлиб, зафарларга тўлиқ бўлса ажаб эмас.

Яна бунинг устига юртбошимиз Оила йили деганларида ажиб маъно борлиги турган гап. Шояд, ушбу йилда оилаларимиз янада мустаҳкам бўлиб, ҳар бир хонадон файзу барака, қувончу шодликларга тўлиқроқ бўлса.

Бу йил Олий Мажлис томонидан оиламизнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамловчи «Оила кодекси»нинг муҳокама этилиши ва қабул қилинишида ҳам катта рамзий маъно бор.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топган инсон қадриятларига оид ҳуқуқий меъёрларга ушбу Кодексида ривожлантирилади, ёркинлик ва аниқлик касб этади.

Маълумки, Ўзбекистон Конституциясининг 65-моддасида «Фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади»,-деб ёзиб қўйилган. Бу Конституция қоидалари қабул қилинажак «Оила кодекси»да ижодий сайқал топган. Шунинг учун ҳам давлатимиз оилани ҳар жиҳатдан эъзозлайди, унга ғамхўрлик қилади. Ўзининг мустаҳкам таянчи сифатида ардоқлайди. Бунинг ёрқин мисоли сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: Президентимиз томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш борасида қабул қилинган Фармонлар, уларда белгиланган оилани моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини эслайлик. Уларни мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар давлат дастури тўғрисида»ги қарори жамиятни ўзгартиришда оиланинг тутган ўрни ва иштирокини янада ошириш йўлида ташланган катта қадам бўлди.

Ушбу дастурларда белгиланган қатор тадбирларнинг амалга оширилиши 1998 йилда барча оилаларнинг моддий-маънавий, ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланишига ҳамда иқтисодий таъминотининг яхшиланишига олиб келиши шубҳасиз.

Оила соғлом бўлса, жамият соғлом бўлади. Шунинг учун ҳам жамият ўз ижтимоий тараққиётида оилага таянади.

Оила ҳақидаги қонунга асосан болаларнинг таълим-тарбиясига тааллуқли барча масалалар келажак авлод манфаатидан келиб чиққан ва комил инсонларни тарбиялаб вояга етказиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ота-оналар билан ўзаро келишув асосида ҳал этилади. Яъни Кодекс лойиҳаси ота-она ва фарзандлар манфаатлари уйғунлиги ва мутаносиблигини таъминлашнинг аниқ шарт-шароитларини белгилаб беради. Чунончи, ота-оналардан бири ўртасида келишмовчиликлар вужудга келса, уни ҳал қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органига ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқи Оила Кодекси лойиҳасида аниқ ифодаланган. Уз ота-оналик ҳуқуқини болаларининг ҳуқуқ ва манфаатларига зид тарзда амалга оширилаётган ота-оналар қонунда белгинган тартибда жавобгар бўладилар. Чунки фарзанд кўриб, уни тарбиялаб вояга етказишга аҳд қилган ота-она ўз насли олдида қонуний бурчдор бўлиб қолади. Болалар манфаатларини таъминлаш ота-она ташвишининг асосини ташкил қилиши керак. Бунда давлат болалар тақдирини ҳал қилишда инсон қадр-қимматини улуғлашни талаб этади. Бу талаб адо этилмаган тақдирда қонун кучи билан маълум чора-тадбирлар қўлланилади.

«Оила Кодекси» лойиҳасини 82-моддасининг талабидан келиб чиқиб, «агар суд ота-она ҳам, болага қараб турган шахслар ҳам унга лозим даражада тарбия бериш ҳамда уни камол топдиришга қодир эмаслигини аниқласа, болани васийлик ва ҳомийлик органи қарамоғига олиб беради», деб кўрсатилган.

Оила ҳақидаги қонун инсонпарварлик туйғулари билан суғорилган фарзандларнинг ҳам катта авлод ва қариндош-уруғлар олдидаги бурчларини аниқ ифодалайди. Болалар вояга етганларида ўз ота-оналаригагина эмас, балки бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа қариндошларига ҳам уларнинг қариган чоғларида, ёрдамга муҳтожликларида моддий кўмаклашишлари шарт эканлиги қонунан мустаҳкамланган.

Шунингдек, оилага оид қонунларимизда болаларнинг ҳаёти ва соғликлари ҳам қўрикланиши мустаҳкамланган бўлиб, ҳаёти ва соғлиги бевосита ҳавф остида бўлганда васийлик ва ҳомийлик органи болани зудлик билан ота-онадан ёки болага васийлик қилаётган бошқа шахслардан тортиб олишга ҳақлидир. Бу чора фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органининг тегишли ҳужжатига асосан васийлик ва ҳомийлик органи томонидан амалга оширилади.

Маматқобул Жумаев Самарқанд вилояти штаб ДАН масканида ишлаб келмоқда. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда хизмат вазифасини сидқидилдан ўтаётир.
Суратда: М.Жумаев ҳайдовчи Ф.Фаҳриев ҳужжатларини кўздан кечирмоқда.
Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Булардан ташқари янги «Оила Кодекси»да ота-оналар билан болаларнинг ўзаро мулкий-ҳуқуқий муносабатлари, нафақа ундириш масалалари, мерос, эр-хотинларнинг нафақа тўлаш борасидаги бурчлари, шу масалалар юзасидан келиб чиқадиган муаммолар, уларни ҳал қилиш асослари ҳамда қонуний йўллари батафсил ёритиб берилган. Нафақани ўз вақтида тўламасликнинг ҳуқуқий оқибатлари, бу борада юзага келадиган муаммолар, уларни ҳал этишнинг ҳуқуқий йўллари кўрсатилган.

Мазкур «Оила Кодекси»да фарзандликка олишнинг ҳуқуқий оқибатлари, унинг қонуний асослари ҳам тўлиқ ёритилган.

Умуман олганда, қабул қилинажак ушбу кодекс оила, никоҳ, ота-оналар ва эр-хотинлар, васийлар, ҳомийлар ўртасидаги мулкий бўлмаган ҳуқуқий муносабатларини ўрганиш, таҳлил қилиш борасида муҳим дастури амал бўлиши билан ажралиб туради. Уни чуқур мулоҳаза билан таҳлил этиш ва қабул қилиш ҳуқуқий манбаларимизни бойитиш йўлидаги муҳим қадам ҳамда жамиятимиз таянчи бўлмиш оиланинг келажакда қонаний асосда янада мустаҳкамланишининг гарови ҳамдир.

Бироқ, ушбу Кодекс қабул қилинишига қадар у таҳририй, терминологик ва бошқа жиҳатлардан чуқурроқ ўрганиб чиқиши, сўнгра қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

Абдумажид ШУКУРОВ,
Юридик фанлари номзоди,доцент.

Биздан сўрасангиз...

Саволларга ҳуқуқшунос Ш. Келдиёрова жавоб беради

— ***Интизомий жазонинг амал қилиш муддати ва оқибати ҳақида тушунтириш берилишини сўрайман.***

Нодир Маҳмудов,
Тошкент шаҳри.

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 183-моддасига мувофиқ, интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

Интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли.

Демак, ҳар қандай ҳолда ҳам интизомий жазо амал қилиб турган муддатда ходимга нисбатан рағбатлантириш тадбирлари қўлланилмайди.

***

— ***Иш ўрни қисқартирилган тақдирда, муддатидан илгари пенсияга чиқиш мумкинми?***

Х. Жўраев,
Жиззах вилояти.

— Ходимлар сони (штатлари) қисқартирилиши ёки корхона (ташкилот ва муассаса) тугатилиши муносабати билан ишдан бўшатилган ва белгиланган тартибда «ишсиз» мақомига эга бўлган (Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни 3-моддасига мувофиқ) фуқаролар: эркаклар — 58 ёшга тўлган ва камида 25 йиллик иш стажига эга бўлганда, аёллар эса 53 ёшга тўлган ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда, муддатидан 2 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги» Қонунининг 14-моддасида кўзда тутилган.

***

— ***Хусусий автобус эгалари (ҳайдовчилари) томонидан транспортда бепул юриш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролардан йўл кира ҳақи талаб қилиниши тўғрими?***

А. Раҳимов,
Урганч шаҳри.

— Фуқароларнинг транспортда бепул юриш имтиёзи давлат тасарруфида бўлган автокорхоналарнинг транспорт воситаларига нисбатан татбиқ этилади.

***

— ***Маҳалла қўмитасидан бериладиган нафақаларни олишда қандай тоифадаги оилаларга имтиёзлар қўлланилади?***

Сайфулла Ҳасанов,
Самарқанд вилояти, Ғўзалкент тумани.

— Президентимизнинг 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармонига асосан 16 ёшгача болалари бўлган, ёрдамга ҳақиқатдан муҳтож ва кам таъминланган оилаларга нафақалар тўланади.

***

— ***Қишлоқ хўжалиги соҳасида химикатлар билан ишловчи агрономга, энтомологларга имтиёзли равишда пенсияга чиқиши ҳуқуқи қўлланадими?***

Т. Болтабоев,
Қорақалпоғистон Республикаси
Амударё тумани.

— Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатларда аграном лавозимлари кўзда тутилмаган ва шу сабабли улар мазкур имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас. Бироқ, саломатлигингиз ёмонлашаётганлигини назарда тутиб, туман врачлик-меҳнат экспертизасига мурожаат қилишингиз ва ногиронлик нафақасига ҳужжат расмийлаштиришингиз мумкин.

***

— ***Ҳозирги пайтда, одамлар орасида «фоиз ҳисобига пул қарз бериш» кенг тарқалиб, кўпгина нохушликларни келтириб чиқармоқда.***

Бу хусусда қонунчилигимизда тартиб-қоидалар ўрнатилганми?

М. Абдураҳимов,
Хоразм вилояти,
Гурлан тумани, пенсионер.

— Ҳурматли Маткарим ота! Норасмий равишда ва амалдаги қонунчиликка зид ҳолда «фойдага қарз бериш» — гуноҳи—газим ҳисобланиб, ҳақли равишда жамиятнинг нафратига учрамоқда ва кўпчиликни ташвишга солмоқда.

Бугунги кунда тадбиркорлик ва ишбилармонликни ихтиёр этган юртдошларимиз, белгиланган тартибда ва қонуний асосларда банк идораларидан хоҳлаганича кредит олишлари ёки қимматли қоғозлар операцияларида иштирок этишлари мумкин.

***

— ***Интизомий жазога тортилган ходимни қайси турдаги рағбатлантиришдан маҳрум қилиш мумкин?***

Б. Мамедов,
Бухоро шаҳри.

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 180-моддаси мазмунига кўра, интизомий жазо амал қилиб турган муддат (бир йилгача) давомида ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

Иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва меҳнат ҳақи тизимида назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш турларига кирмайди.

Демак, интизомий жазога тортилган ходим бир марталик бериладиган пул мукофотидан ёки бошқа турдаги рағбатлантиришдан маҳрум қилиниши мумкин.

Қонун-барчага баробар

ШАРТИ КЕТГАН ШАРТНОМАЛАР

Абдураҳмон Шерназаров «Комидон» жамоа ширкат хўжалигининг ижарачиси. У шартнома тузиб, хўжаликдан 31 гектар ерни ижарага олганди. Шартномани имзолаш чоғида ваъдани қуюқ қилган бу тадбиркор йил охирига бориб сўзининг устидан чиқмади. Аксинча, у ғалла экилган майдонларни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Майсалар ўз вақтида суғорилмади.Давлат томонидан олинган минерал, далага олиб чиқилган маҳаллий ўғитлардан тўлиқ фойдаланилмади. Ҳосил пишгандан сўнг дарҳол йиғиштириб олинганлиги натижасида бошоқлар ерга тўкилиб-сочилиб нобуд бўлди. Арпа бошоқлари тезда ўриб-янчиб олинганда эди, шартномада белгиланган 93 тонна ўрнига 33 тонна дон топширилмаган буларди. Ҳосилдорлик мўлжалдагидан паст бўлганлиги сабабли ижарачи 126 минг сўм моддий зарар кўрди.

«Инсофсизга эрк берсанг элни талар», деганларича бор экан. Бўлмаса 60 тонна донни кам топширган Абдураҳмон Шерназаров ҳосил яхши бўлмади, ўрим-йиғим кечиктириб ўтказилди, деб баҳона ахтариб юрмасди. Унинг ҳамтовоғи Исмат Ҳаққулов ҳам шу хўжаликдан. У «ош бўлса-ю, иш бўлмаса», дейдиганлар тоифасидан чиқиб қолди. 39 гектар ерни ижарага олган Исмат Ҳаққулов ўтган йили ҳамма ерларга буғдой сепди. Уруғ танлашга эътибор бермаган ижарачининг айби билан ерга қадалган дон тўлиқ ундириб олинмади. Ғалла сифатсиз бўлганлигидан майсалар сийрак бўлиб қолди. Бунинг устига майсалар парвариши билан ҳеч ким жиддий қизиқмади. Шахсий моллар майсаларни пайҳон қилганлиги сабабли туп сони камайиб кетди. Майсалар бошоқлаш олдидан минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириб, суғорилмади. Ғалла майдонларини бегона ўтлар қоплади. Ғалвир сувдан кўтарилиб, ҳисоб-китоб қилинганда 109,2 тонна ўрнига 39,2 тонна буғдой етиштирилганлиги маълум бўлди. Қолганига қарздорман, садағанг кетайлар, деб ўтирган Исмат Ҳаққулов хўжаликка 98 минг сўм моддий зарар келтирди. Умар Бердиқулов, Равшан Зиёдуллаевлар ҳам аввалига кўкракларига уриб, катта ваъдалар беришган бўлишса-да, кузда ер чизиб қолишди. Уларнинг биринчиси хўжаликка 40 минг сўмга яқин, иккинчиси 24 минг сўмлик зарар келтирди.

Файзулла Қўчқоров ер сўраб «Қашқадарё» жамоа-ширкат хўжалиги раҳбарларини безовта қилди. Уларни ҳоли-жонига қўймади. «Ижарачи бўламан, пахта ва ғалладан хўжаликка нисбатан кўп ҳосил етиштираман», деб тилёғламалик қилди. Ниятига етган Қўчқоров хўжалик билан шартнома ҳам тузди. Шартнома асосида унга 36 гектар ер ажратилди. Бу ерларга ижарачи кузги буғдой экди. Экишга экди-ю, парваришни унутиб юборди. Майса ўз-ўзидан ривожланиб, ҳосил беради, деб ўйлаган Файзулла Қўчқоров қаттиқ адашди. Йил охирига бориб, хўжалик билан тузилган шартнома уддаланмади. 162 тонна ўрнига 78,8 тонна ғалла янчиб олинди. Шу ҳисобдан хўжаликка катта зарар етказилди. Хўжаликка моддий зарар етказиб ишлаётган ижарачилар унинг ўзигина эмас. 33 гектар ерни ижарага олиб ишлаган Акрам Чулиев ҳам 138,5 тонна ўрнига 96,4 тонна дон олди.

Хўжакўрсинга шартнома тузиб, давлатга ҳам, халққа ҳам зарар етказаётган ижарачилар С.Насафий номли жамоа-ширкат хўжалигида кўпчилик. Ишонмасангиз улар номини бирма-бир санаб ўтишга мажбурмиз. Иши битиб, эшаги лойдан ўтдими, ҳамма нарсани эсдан чиқариб юборади. У хўжалик билан шартнома тузиб, 55 гектар ерни ижарага олгандан сўнг, ниятимга етдим деб ўйлади. 46 гектар ерга чигит, 9 гектар ерга эса кузги буғдой экилди. Ғўза оддий ўсимлик эмаски, қаровсиз ташлаб қўйилса. Унга сув, ўғит ҳаводек зарур. Қатор орасига ишлов бериш, озиқлантириш, бегона ўтлардан тозалаш, суғориш муҳим аҳамиятга эга. Лекин ғўза парваришига эътибор берилмади. Ғалла майсаларини суғориш унутиб юборилди.

Абдурасул Хушвақтов бошлиқ ижарачилар ҳосил тарозисига қўйилганда, ер чизиб қолишди. 132,7 тонна ўрнига 121,6 тонна пахта, 31,5 тонна ўрнига 21,2 тонна дон етиштирилганлиги аён бўлди. Режа бажарилмаганлиги эвазига кўрилган моддий зарар ҳам 68957 сўмдан ошди.

Хўжаликка 26778 сўм зарар етказилди. Бундай ҳол жамоа-ширкат хўжалигининг С.Чориев бошлиқ ижарачилар бригадасида ҳам юз берди. У бошлиқ жамоа аъзолари шартномани бажаришмади. 23 гектар ердан 62,2 тонна ўрнига 59,3 тонна пахта йиғиб-териб олишди. Бу шартномада белгиланганидан 4 тонна камдир. С.Чориев хўжаликка 33 минг 885 сўм зиён етказган бўлсада, ҳамон ҳеч нарса кўрмагандек бамайлихотир юрибди. Шу хўжалик ижарачилари Фахриддин Ҳайитқулов, Ўлмас Жўраев, Иннатулла Раҳмоновлар ҳам атганг деб бармоқларини тишлаб юришибди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонунинг бажарилиши прокуратура ходимлари томонидан умумий назорат тартибида текширилганда, Касби туманидаги «Комидон», «Қашқадарё» С.Насафий номли жамоа-ширкат хўжаликларида бу соҳада жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди. «Ижара тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида ижарачи етказган зарарни ижарага берувчига тўлиқ тўлаши шартлиги ва шу қонуннинг 32-моддаси талабларига кўра ижарачи олган мажбуриятини бажармаганда жавобгар ҳисобланади, дейилган. Ундан хулоса шуки, хўжалик билан шартнома тузиб, ижара пудратига ўтиб ишлаётган ижарачилар белгиланган шартнома қонун-қоидаларини бузган тақдирда жавобгарликка тортилишларини ҳам эсдан чиқармасликлари керак. Қонун ҳамма учун баробар. Адолат мезони бузилдими, ундан ҳеч ким қочиб қутула олмайди.

Абдуолим СОДИҚОВ
Касби тумани прокурори,
адлия кичик маслаҳатчиси.
Жўра ЮСУПОВ,
Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.

Фармон ва ижро

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР МУЗЕЙИ

Ўзбекистон темир йўллар давлат ҳиссадорлик компаниясига қарашли музей темирйўл транспорти тарихига доир кўплаб нодир ҳужжатлар, ноёб суратлар ва айрим транспорт воситалари намуналаридан ташкил топган.

Шу муносабат билан журналист Акбар Алиев музейнинг етакчи ходими Всеволод Королев билан музей босиб ўтган йўл ҳақида суҳбатлашди.

— Биласизми, жаҳондаги қатор тараққий этган давлатларда, чунончи, Америка, Франция, Австрия ва Швецияда темир йўл музейлари очилган, — дея ҳикоя қилади кекса темирйўлчи. — Бу музейларда бўлган томошабин экспонатлар сифатида намойиш қилинаётган темирйўл транспортининг ноёб нусхаларини ўз кўзи билан кўради. Жаҳоннинг турли бурчакларидан олиб келинган ҳар хил нусхадаги тепловоз, паровоз ва локомотивлар шу музейларда жамланганининг гувоҳи бўлдик. Музейимиз ана шундай нуфузга эга бўлган томоша марказлари сирасига киради.

Ўзингизга маълумки, 1888 йилда Ўрта Осиё темир йўли ишга туширилган эди. Бу муҳим воқеанинг 100 йиллиги муносабати билан Темир йўл тарихий музейи ташкил топди. Бунга ҳам ўн йил бўлди.

Суҳбатдошимиз бизни музейнинг Ўрта Осиё темир йўли тарихи хонасига олиб кирди. Дид билан тайёрланган экспонатларни бирма-бир кўздан кечирамиз. Бу ерга қўйилган фотосуратлар, турли хил ҳужжатлар эътиборни ўзига тортади. Тарихий маълумотлар асосида ёзилган турли нашрлар ҳам кўзга яққол ташланиб туради. Темирйўлчиларнинг меҳнат шуҳратидан гувоҳлик бериб турган нишонлар ва орденлар ҳам Ўрта Осиё темир йўли ўзининг бой шонли анъаналарига эга эканлигини билдирди. Музейда Ўзбекистоннинг темир йўл тармоғи ҳақида ҳикоя қилувчи талайгина хариталар билан ҳам танишиш мумкин.

Бу ердаги ҳар бир паровоз ва тепловознинг ўз таржимаи ҳоли бор, — дея тушунтиради музей ходими. Сиз кўриб турган мана бу «ТЭ» паровози иккинчи жаҳон урушидан бизга ёдгорлик бўлиб қолган, жон олиб, жон берилган ўша даҳшатли жангларда бу темир йўл транспортида кўплаб қуроллар, ўқ-дорилар ташилган эди. Уруш тўхтагач, «ТЭ» паровози Ўрта Осиё темир йўли ихтиёрига берилган.

1934 йилда етқизилган темир йўл изларида ҳаракатда бўлган «Со — 17» русумли паровоз ҳам эътиборимизни тортди.

Темир йўл тарихига бағишлаб суратга олинган бадиий фильмлар музейнинг бебаҳо мулкига айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг музейлар фаолиятини янада ривожлантириш тўғрисида яқинда қабул қилинган Фармони муҳим маънавий аҳамият касб этди. Ушбу Фармон ҳар бир музейнинг моддий-техника негизини янада мустаҳкамлаш, таъмирлаш, энг муҳими музейларнинг оммавийлигини таъминлашга бевосита хизмат қилади.

Шу билан музейларни моддий томондан қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи алоҳида жамғарманинг тузилиши нур устига нур бўлди. Шубҳасиз, бу Фармон Ўзбекистон темир йўллари тарихи музейи истиқболини белгилашда ҳам алоҳида ўрин тутади.

Акбар АЛИЕВ.

Машриқзамин дарғалари

КАМОЛОТГА ЙЎЛЛОВЧИ БАЙТЛАР

Утмишдаги мактаб ва мадрасаларимизда, хусусий муаллимлар ихтиёридаги таълим тизимида Қуръони Карим, Ҳадиси шариф, Хафтяк, Чор китоблар билан бирга машҳур зуллисонайн лирик шоир, доттоннавис, исломий аҳкомларнинг жонфидо тарғиботчиси Суфи Оллоҳёрнинг «Саботул ожизин», «Маслак-ул-туттакин» асарлари ҳам бир дарслик сифатида ўқитилган. Афсуски коммунистик мафкура ва шуроларнинг шовинистик сиёсати бу адиб ижодини ўрганиш, нашр этиб, ўргатишга йўл қўймади. Халқимиз миллий мустақиликка эришгандан сўнг бошқа исломий шеърият сингари Суфи Оллоҳёр ижоди ҳам жиддий ўрганила бошланди, «Саботул ожизин» нашр қилинди. Хусусан, филология фанлари доктори Иноятулло Сувонқуловнинг бу соҳадаги изланишлари-ю заҳматкашлиги таҳсинга лойиқ.

Бўлажак шоир 1644 йили Каттақўрғоннинг Минглар қишлоғида зиёли оиласида дунёга келади. Отаси Темир Ер ўғлининг тарбияси билан жиддий шуғулланди: у 12 ёшигача ўз қишлоғида ўқийди, кейинчалик Бухорога бориб мадрасаларда билим олиб, замонасидаги барча фанларни ўрганади, Бадиий ижод сеҳрини эгаллайди, ўзбек ва тожик тилларида асарлар ёза бошлайди. Мадраса ҳатмидан сўнг Суфи Оллоҳёр бир неча йил Бухоро амирининг Ҳисор ва Қуболиён туманлари солиқ маҳкамаларида ишлайди. «Шумлигим, расволигим тенгди вилоят халқига» деб кейинчалик адиб ўзининг ана шу фаолиятидан надомат чекади.

Суфи Оллоҳёрнинг исломий ақидалар яловбардори даражасига етишида унинг шайх Наврўзга қўл бериб, ундан дарс олиши, машҳур Офоқхўжа эшон, оташзабон шоир Машраблар билан мулоқотлари, оддий меҳнаткаш халқ ҳаёти, руҳияти билан яқиндан танишуви муҳим босқич бўлган. Умрининг кўп қисмини суфистик ғояларни таргиб этиб, комиллик сари интилган забардаст шоир 1721 йили Вахшивордa вафот этган. И. Сувонқуловнинг ўқиришича бу сана «Сабатул-ожизин»нинг бир дастхати ҳамда «Шарҳи Суфия» китобида аниқ курсатилган.

Суфи Оллоҳёрдан бизга қадар катта ҳажмда ижодий мерос қолдирган турли мажмуалар, баёзларда сақланиб қолган лирик шеърлар, «Мурод-ул-орифин», «Маслак-ул-муттақин», «Махзан-ул-мутвин», «Сабот-ул-ожизин» каби ахлоқий-таълимий, ижтимоий фалсафий маснавийлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари шоирнинг «Мевалар мунозараси» номли манзумаси ҳам мавжудлиги аниқланган.

Шоир ўзбек ва тожик тилларида битилган лирик шеърларида, бир томондан, дунёвий муҳаббатни, ёрнинг чиройи ҳамда нозу истиғносини турли-туман бадиий буёқларда тасвирласа, иккинчи томондан, мавжуд ижтимоий тузум иллатларини, одамлар орасида учрайдиган чин-адоватни танқид қилиб, уларни пок ва рост йўлга даъват этади; нафис бадиий воситалар, ташбеҳлар ишлатади, мутлақо ўзига хос қиёслар яратади:

Кўрк учун тушти зилоли
лаъла мушкун хатт у хол,
Тотди суҳбат Хизр ила
Кавсар қиғонида ҳилол.
Наргизи мастинг ҳумори
бодадин гултунмудур,
Ё будурким лолазор ичра
тушан вахший ғизол.

Биринчи байтда ёрнинг лаъли зилоли соҳилида турган мушк таратувчи хат (қора тук) ва хол жаннатнинг Кавсар ҳовузи лабида Хизр билан суҳбатлашаётган ойга ўхшатилса, кейинги мисраларда, бодадан гулгун бўлган ёрнинг ҳумор кўзлари лолазорга тушган ҳуркич-ёввойи кийикка ўхшатилади. Қуйидаги байтлардан ҳам шоирнинг чинакам қаёт ғузаллигини васф этганлигини, маъшуқанинг вафосиз жафоси ошиқ учун бирдай тотли, фараҳбахш эканлигини ҳис этамиз. Шунга кура шоир ўз ёрини турли хил ҳаётий деталларга ўхшатади.

Сен бу позиклик била ё ҳур,
ё айёрсан.
Ё пари, ё лола, ё гулшани
баҳорсан.

«Ўлмаз» радифли ғазалида шоир саликнинг мақсад йўлида риёзат чекмоғлиги, бу йўлда адбатта, устодларга эргашмоқ, қул бермоқ лозимлиги ҳар қандай ғусиқ, монеликни «Жон чекиб ғусса ютиб, жигарни қон қилиб» мардонавор енгиб ўтмоқ зарурлигини ўқтиради:

Бошини доша уруб, дона
элакдин ўтмайди,
Мушт емай, ўт ичина
солсалар, нон ўлмаз.
Эй йигит, маслаҳатинг
билагани бир пир керак,
Бекамон ўқ неча тузлик ила
паррон ўлмаз.

Умрининг асосий қисмини ҳақ йўлига, ирфоний билимлар тарғибига, суфизм таълимотини кенг халқ оммасига сингдиришга сафарбар этган Суфи Оллоҳёр зулм-зўрлик, такаббур, судхўрлик, вафосизлик, лоқайдлик, таъмагирлик, танбаллиги беҳунарликни; мансаб-мартаба, мол-дунёни деб жанжалкашлик қилиш, дилозор, ноиттифоқ бўлишни қаттиқ қоралайди; замондошларига танбеҳ беради, бир Мутафаккир сифатида панд-насиҳат қилади; «Арзимас» радифли ғазали ана шундан далолат беради:

Дўстлар, бу бебаҳо дунёда
молу-мулк учун,
Бир-бири оғритиб, ношод
қилмоқ арзимас.
Мансабу дунё учун аҳли
ҳукумат олдида,
Қўл қовуштуруб турибон дод
қилмоқ арзимас.
Олиғу солиғ билан мулло-ю
хожа-барчани,
Юз жафо жабр ила афтода
қилмоқ арзимас.
Турку тожик, ўзбеку,
саҳройиларни мол учун,
Кечаю кундуз уриб, ношод
қилмоқ арзимас.

Демак, маълум муддат давлат хизматини адо этган шоир ўз замонасидаги феодал ўзаро низоларни, меҳнаткаш халқ бошига қулфат тушираётганларни ўз лирик шеърларида рўй-рост танқид қилган, ҳукмрон табақаларни инсондўст, адолатли бўлишига ундаган. Тожик тилидаги ғазаллларида ҳам ҳикматмуз байтлар кўплаб учрайди.

Суфи Оллоҳёр маснавийлари мавзу доираси жиҳатидан ҳам, ғоявий йўналиши нуқтаи назаридан ҳам ўзбек дидактик шеъриятида катта ҳодиса бўлди. Зероки, уларда шоир комиллик сари йўллайдиган барча шарт ҳамда қарзларни бирма-бир баён этади, исломий фарз ва сунъаталарнинг моҳиятини тушунтиради, уларни бажариш йўл-йўриқларини шарҳлайди, кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу манзумалар утмишда мактабда ва мадрасаларда асосий қўлланмалардан бири ҳисобланган. Жумладан, «Саботул-ожизин», «Мурод-ул-орифин» китобларида асосан, Муршид ва Муриднинг бурч ҳамда вазифалари, суфийларнинг дунёқараши, қандай билимларни ўрганиши ҳақида мулоҳаза юритилсада шоир толиблик, таъма қилмаслик, аҳд, вафо, сидқ, муҳаббат, саховат, тўғрилик, хиёнатдан йироқ бўлмоқ, чин эрга эргашмоқ ва бошқа жуда кўп ҳаётий масалалар хусусида фикр юритади. Имонда собитқадамийлик, аҳдга вафо инсон камолотида муҳим босқичдир. Шоир фикрича инсон умр бўйи илм ўрганмоғи, маърифат касб этмоғи лозим; ҳар қандай ҳолатда ҳам хоксорликни унутмаслик даркор.

Муяссар бўлса тиллодин
санга тахт,
Ўзингдин пастга зинхор
айтмагил сахт.

Инсон ақли етадиган ишни қилиши, қўлдан келадиган юмушни бажармоғи лозим. Айни пайтда аҳдига содиқ, ваъдасига вафодор бўлиши зарур. Бажара олмайдиган ишга қўл уриб, ваъда бериб, аҳдида турмаслик инсонни бу дунёу у дунё бадном қилади:

Хилоф этган забунлардан
забундур,
Бу дунёу у дунёси нагундур.
Хилоф этсанг агар айғон
сўзингдин,
Кўтар эркаклик отини
ўзингдин.
Чиқормоғил оғиздин,
қилмас ишни,
Қилурман, дема қўлдан
келмас ишни.
Керак эрмак деганнинг
ваъдаси туз,
Агар туз бўлмаса, ондин
кўнгул уз.

Санъаткор кишиларни билим эгаллаш, касб-ҳунар ўрганишга даъват этар экан, ҳалол меҳнат билан, пешона терисини тўкиб, ризқу рўзи топиб ейиш, пок ва покдоман яшашни, бировлар миннати жаврини тортмасликка, сабр-қаноатли бўлишга ундайди, таъмагирликни қоралайди.

Ҳудойим ҳар на берса қил
қаноат,
Юракни қилма миннатдин
жароҳат.
Бу меҳнат бирла топсанг
парча нон,
Кишининг миннатдини
ўлдур осон.
Таъма нонига лаб очгунча
ўл оч,
Таъма бўйи кўринмай бўйдин
қоч.

Хуллас, Суфи Оллоҳёр асарларида китобхонни ҳалоллик, поклик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, одамхун бўлиш, ёшликдан илм-маърифат эгаллаш, садоқатли, қаноатли, ризоли, таъзим-тавозели, имон-эътиқодли бўлишга ўргатади; ғайри инсоний, ғайришаръий ишлардан парҳез қилишга ундайди. Бу эса комилликнинг асосий белгиларидандир. Демак, шоир асарлари инсонийлик ва маърифатпарварлик ғоялари билан суғорилган экан.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,
филология фанлари доктори, профессор.

Сизга қандай хизмат кўрсатишаяпти?

БАРҚАРОРЛИК-МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли юзага келган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси мана олти йилдирки, мамлакатимиз ва хорижий фуқароларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Миллий авиакомпания раҳбари Арслон Рўзметов ўтган йиллар, айниқса 1997 йил натижалари ҳақида гапирар экан, авиакомпания фаолиятидаги барча асосий кўрсаткичларнинг ўсганлигини мамнуният билан таъкидлади.

Йўловчи ташиш ишлари ҳажми 1996 йилга нисбатан 1,3 фоизга, шунингдек, халқаро ҳаво йўналишларида 4,8 фоизга ортди.

Ҳаво паркидан фойдаланиш унумдорлигини ортганини йўловчилар ўрindиқларини банд қилишнинг кўпайгани кўрсатиб турибди (1996 йилда 57,78 фоиз, 1997 йилда 60,05 фоиз), жумладан, МДҲ йўналишлари бўйича 2,57 фоизга, халқаро йўналишларда эса 2,91 фоизга ортди.

Умуман, МАК ҳаво кемаларида ўтган йили олдинги йилга нисбатан 4,3 фоиз йўловчи кўп ташилган. Халқаро йўналишларда эса бу кўрсаткич янада салмоқлироқ бўлиб, 5,2 фоизга тенгдир.

МАК қатновларида олдинги йилдагига нисбатан 5,8 фоиз кўпроқ юк ва почта ташилди. Мунтазам қатновларда ташилган юкларнинг 36,5 фоизга ортганини таъкидлаш жоиз. Бунга йўловчиларни ташиш билан бир вақтда кўпроқ юк ташиш имкониятларига эга бўлган «Боинг-767» ва А-310 самолётларидан фойдаланиш эвазига эришилди.

ҲКлари шахсий парки фаолиятини таъминлаш учун ишларнинг умумий ҳажми ортиши билан авиакеросин сарфи 11,6 фоизга камайди. Ёқилгининг бундай тежалишига самолёт паркидан, жумладан, Ғарбда ишлаб чиқарилган янги авиатехникадан унумли фойдаланиш ҳисобига эришилди.

1997 йилда Япония кредити ҳисобига Самарқанд, Бухоро ва Урганчдаги учта аэропортда таъмирлаш ишлари бошланди. Чейз Манхетен банки (АҚШ) кредит ресурслари ҳисобига 1997 йилда иккита «Боинг-767» харид қилинди. Барклайз банки ва Ўзбекистон миллий банки кредитлари ҳисобига учта RJ-85 самолёти олинди. Мамлакатимиз ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши туфайли 1997 йилда А-310 самолётлари учун қайта маблағ билан таъминлаш борасидаги таклифлар амалга оширилди ва учинчи А-310ни харид қилиш бўйича шартнома имзоланди.

МАК ўз мажбуриятлари бўйича ҳеч бир хорижий сармоядор ва республикамиз банкларидан қарздор эмаслигини алоҳида таъкидлаш зарур. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг ҳозирги пайтда ишчи ва хизматчиларга маош тўлаш бўйича қарзи йўқлиги барқарорлик ва ишончлиликнинг яна бир кўрсаткичидир.

МАК ўтган йилнинг охирида «Авиация хавфсизлигини таъминлаш борасидаги улкан хизматлари учун» дипломига сазовор бўлганини эслатиб ўтиш жоиз. Обрўли хорижий комиссиялар томонидан ўтказилган текширувлар Ўзбекистон авиаходимлари юқори савиясини тасдиқлади.

-Кўп ҳолларда аэропортлардаги божхона назорати тизими йўловчиларнинг эътирозига сабаб бўлмоқда. Бу муолажани соддалаштириш имкони борми?

-Айни пайтда фаолиятимизда бешта ташкилот раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатга амал қилинмоқда. «Тошкент» аэропорти биноси қурилаётган вақтда халқаро қатновлар йўловчиларни божхона ва бошқа текширувлардан ўтказишга тўғри келиши ҳисобга олинмай барпо этилган эди. Бу ишлар эса ҳар бир мамлакатда амалдаги қонунчиликка биноан ўтказилади. Бугунги кунда пойтахт ҳаво бандаргоҳида учиб келувчиларга хизмат кўрсатувчи залдаги қурилиш ишлари якунланди. У ердаги ўзгаришларни йўловчиларнинг ўзлари кўриши мумкин. Тез кунда, аниқроғи учиб кетувчиларга хизмат кўрсатиш залини жиҳозлаш ишлари тугагач, кемасалан, ТУ-204 каби янги русумдаги самолётлар атрофида ҳозирча гапсўз кўпроқ. Биз барча талабларга жавоб берувчи ҳамда юқори самарали техник кўрсаткичларга эга, парвозлар хавфсизлигини ва юқори хизмат кўрсатиш савияси имконини яратувчи самолётларда учишни истаймиз. Масалан, 1997 йилда фақатгина А-310 ва «Боинг»лардан фойдаланиш ҳисобига авиаёнилгининг ўзида деярли 10 миллион долларни тежаб қолдик.

-Мамлакатимиз амалда ўзининг нефть мустақиллигини таъминлаганини яхши биласиз. Фарғонадаги завод бизнинг бу борадаги эҳтиёжимизни қондириб келмоқда. Қоровулбозордаги мажмуанинг ишга тушириши билан авиаёнилгининг экспорт қилиш имконига эга бўлдик.

ЁЗДА ЯПОНИЯГА УЧАМИЗ

МАК раҳбари Арслон Рўзметов бошчилигидаги авиакомпания делегациясининг Токиодаги музокаралари муваффақиятли ўтди. Натижада «Ўзбекистон ҳаво йўллари»га кун чиқиш мамлакатига парвозларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат имзоланди.

Бош директор JAL халқаро авиакомпаниясининг паркида саксонта энг йирик «Боинг-747», олтмишта «Боинг-767» ва бошқа замонавий ҲКлари мавжудлигини, мамлакат ичидаги парвозларнинг амалга оширувчи ANA авиакомпанияси билан биргаликда ўтган йили 30 миллион йўловчига хизмат кўрсатганини қайд қилди.

Парвозларни амалга ошириш учун Токиога машинада одатда уч соатда етиб бориладиган «Нарито» халқаро аэропортини эмас, балки Япония пойтахтига поездда икки соатда етиш мумкин бўлган «Ниигата» аэропортини танлашга қарор қилинди. Бунга ушбу ҳаво бандаргоҳида нафақат халқаро, балки қатновларимизга Японияннинг турли худудларидан кўпроқ йўловчиларни жалб этиш имконини берувчи ички қатновларнинг ҳам мавжудлиги сабаб бўлди.

Илк парвозларни жорий йилнинг июнь ойидан бошлаш режалаштирилмоқда.

М.ТЎХТАМИРЗАЕВ,
Ч. ЛАТИПОВ.
Суратда: МАКнинг Лондондаги ваколатхонаси.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ашгабатда Туркманистон ва Озарбайжон ташқи ишлар вазирлари Б. Шихмуродов ва Г. Гасановлар бошчилик қилган Каспий денгизидаги икки давлат ўртасидаги мунозарали конларни ўрганувчи экспертлар гуруҳи ўз ишини якунлади. Озарбайжон делегациясининг раҳбари Г. Гасанов комиссиянинг фаолиятига тўхталиб: «Биз халқаро миқёсда қабул қилинган қоидалар асосида чегараларни ўрта чизиқдан бўлишга келишиб олдик. Аммо ҳали иш тугаган эмас, экспертлар бир оз вақтдан кейинг Бокуда ишларини давом эттирадилар», — деган.

* * *

Қирғизистон Президенти Асқар Акаев иқтисодий потенциали жиҳатидан Бишкекдан кейинги ўринда турадиган мамлакатнинг жанубидаги Ўш вилоятига келган. Президентнинг бу ерга ташриф буюришидан мақсад 2000 йилда ўзининг 3000 йиллик юбилейини нишонлашга ҳозирлик кўраётган Буюк Ипак йўлига жойлашган Фарғона водийсининг қадимги шаҳарларидан бири бўлган Ўшдаги тайёргарликларнинг қай даражада бораётганлигини ўз кўзи билан кўришдан иборат. Маълумки, ҳукумат бу ердаги қурилиш ва таъмирлаш ишларига бир кеча ўн миллион доллар ҳажмида маблағ ажратган.

* * *

Тожикистондаги муҳолифат вакили Давлат Усмон сўзларига қараганда Афғонистоннинг Тохар вилоятида содир бўлган зилзила оқибатларини тугатиш ишларига ёрдам берин учун Афғонистонда беш йилдан бери яшаётган муҳожирлари етиб келишган.

* * *

Тожикистондаги сиёсий вазият кейинги кунларда бир оз яхшиланаётган бўлишига қарамай тожик-афғон чегарасида дам-бадам чегарани бузиш ҳоллари рўй бериб турипти. Республика ҳудудини қўриқлаётган Россия чегара қўшинлари Қуйи-Панжда чегарани кесиб ўтаётган уч кишини отишган, улардан иккитаси қочишга улгурган.

* * *

Россиянинг «ИТАР-ТАСС новости» агентлиги тарқатган хабарларга қараганда Россия Қозоғистонда ҳарбий машқлар ўтказиш учун розилик олган, Қозоғистон ҳарбий полигонларидан фойдаланганлиги учун 27 миллион доллар қарз.

Бўка тумани почта алоқа бўлимининг саралаш хонасидан тумандаги почта бўлимларига кунига кўплаб турли хил газета журналлар, хат ва телеграммалар тарқатилади. Бунда қарийб 7 йилдан буён сараловчи бўлиб ишлаб келаётган Шаҳодат Абдуллаевaнинг муносиб улуши бор.

Суратда: Сараловчи Ш.Абдуллаева, почта ташувчи Абдурасул Аҳмедов билан.

Жўра ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Тиббий астрология

КАЙФИЯТНИ БАЛАНД ҚИЛАВЕРИНГ

Ҳа, табиат бизга кулиб боқяпти. 29 январдан бошланган янги ой қуёшли кунларга бой бўляпти. Ҳатто баъзан юртимизга алла қачон баҳор ташриф буюргандай туюлди. Илгари таъкидлаганимиздек, олам сайёраларининг жойлашуви, Оймуманинг қачон қайси буржга кириши, умуман, самовий мавжудотларнинг таъсири натижаси ўлароқ Ер юзида табиат турли хил жилваланади. Булар эса инсон кайфияти ва саломатлигига таъсир қилмай қолмайди.

Шундай қилиб, февралнинг утган кунлари ёмон бўлмади. Ҳамюртларимиз илиқ-иссиқ кунлардан мамнун бўлишди. Энди бугунги кун:

10 февралга келсак, у тўлин ой кунига тўғри келди. Унинг рамзини қувур (ўз омадини излаш) дейишади. Шу куни бошланган ишлар муваффақиятли тугайди, деб ҳисобланади. Бироқ, ҳаддан ташқари зуриқиш ва шошқалоқлик омадли интиҳо эҳтимоллигини пасайтириши мумкин.

11 февраль (ойнинг 15 куни) — рамзи: илон (ушалмас орзулар). Ойнинг 9-кунидагидек хатарлилик эҳтимоли бор. Кучли эҳтиросларга Сизни мувозанатдан чиқариши мумкин. Ҳар қандай фаолиятдан ўзингизни тийиб туришни тавсия этамиз.

12 февраль (ойнинг 16 куни) — рамзи: узум (ички эркинлик ва кунгиллар яқинлиги). Келин-куёв муносабатлари учун қулай кун. Шу куни никоҳдан ўтиш тавсия этилади.

14 февраль (ойнинг 18 куни) — рамзи: ойна (такаббурлик ва унинг фош бўлиши). Чекиш ва ичкиликбозлик ман этилади. Гўштлик таомдан тийилган маъқул. Очлик билан даволаниш учун энг яхши кун ҳисобланади.

15 февраль (ойнинг 19 куни) — рамзи: ўргимчак (алданиш ва тобелик). Ҳушёрлик талаб қилинади. Такаббурлигингиздан ҳеч бўлмаса хаёлан тавба қилиб, ташқаридан бўладиган таъсирларга қарши туриш имкониятларини ўйлаб кўриш керак.

16 февраль (ойнинг 20 куни) — рамзи: бургут (руҳнинг узгариши). Шубҳа-гумонларни енгиб, руҳий кузнинг очилиш куни. Бу кунни уйда утказиш, оилага бағишлаш фойдали ҳисобланади. Очлик (овқатдан узни тортиш) билан даволанишга қулай кун.

Ҳафтанинг қайси кунлари қайси аъзоларни кўпроқ эътиборга олиш кераклигини эслатамиз:

10-12 февраль кунлари юрак хасталикларига мойиллик бўлади.

12-14 февраль — бу кунлари ошқозон-ичак йўлларига эҳтиёт бўлинг.

15-16 февраль кунлари бўйраклар, сийдик пуфаги, бўйрак усти безлари, ошқозон ости бези хасталикларига берилувчан бўлади.

СЕВГИСИ РАД ЭТИЛГАЧ...

Александрия (Миср араб республикаси) университетида тиббий ҳамшира бўлиб ишловчи Ойда Ниридин ўзи билан бирга ишловчи докторни ҳалдан ташқари севиб қолди. Аммо доктор қизнинг севгисига бефарқ қаради, парво қилмади. Бундан ғазабланган ҳамшира ўч олиш ниятида севгилиси даволанаётган 10 кишини нариги дунёга равона қилди. Қандай қилиб дейсизми? Қандай бўларди, беморга тайинланган дориларни дозасини ошириб, доктордан аламини олмоқчи бўлган.

Севги яхшиликка эмас, ёвузликка ҳам етаклаши мумкин.

ЖАЗОЛАШНИНГ АНТИҚА УСУЛИ

Уганда мамлакатида қўлга тушган чўнтак ўғриларига нисбатан антиқа усул қўлланилади. Уларга Одам Атонинг «тўни» кийгазилади, тўғриоғи қип-ялангоч қилиб ечинтирилади-лар. Аёлларга бу жазо қўлланилмайди. Полициянинг бу жазо қонунга тўғри келмаслиги ҳақида қилаётган уринишлари фойда бермаяпти. Маҳаллий газеталарнинг хабарларига қараганда мамлакатнинг пойтахти Кампалада бу ҳодиса кунига камида тўрт марта содир бўлади. Қўлга тушган киссавурлар ўзларини одил судга топширишларини ялиниб илтимос қилишади. Угандаликларнинг ўғриларга қўлланаётган бундай жазоси Африкадаги, бошқа ердагиларга нисбатан анча адолатли, чунки у мамлакатларда ўғриларни ўлгунича калтаклашади.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт •



БОКС. Бугун Туркиянинг Истанбул шаҳрида халқаро турнирга старт берилади. Унда республикамиздан ургенчлик Алишер Раҳимов, андижонлик Темур Туляков, Тўлқин Турғунов, Уткир Ҳайдаров, Сергей Михайлов, наманганлик Темур Сулаймонов ва жиззахлик Лазиз Зокировлар уз вазнлари бўйича иштирок этмоқдалар. Мусобақалар 15 февралга қадар давом этади. Терма жамоамизга мураббийлардан В. Н. Шин ва Ҳасан Муҳамедовлар бошчилик қилишмоқда.

Эртага эса Эронда йирик анъанавий халқаро турнир бошланади. 18 февралгача давом этувчи бу мусобақаларда 9 нафар кучли чарм қўлқоп усталаримиз иштирок этадилар. Улар: тошкентлик Ботир Зиёджонов, Ян Қульков, фарғоналик Дилшод Йулдошев, когонлик Асқар Мамедов, Наримон Отаев, жиззахлик Саъдулло Мирзаев, Асқар Султонов, чиноэлик Сирожиддин Наимов ва андижонлик Асадулло Юнусов сингари маҳоратли боксчиларимиздан ташкил топган терма жамоамиз Шароф Худойбердиев (делегация раҳбари), Истам Кабинов (мураббий), Баҳодир Жуманиёзов (халқаро тоифадаги ҳакам) бошчилигида Эроннинг пойтахти Теҳронга жўнаб кетди.

13 февралда бошланадиган турнир эса Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида уруш қаҳрамони Д. Шапоков хотирасига бағишлаб утказилувчи анъанавий мусобақадир. Бу баҳсларда Марказий Осиё боксчилари билан бир сафда юртимизнинг умидли, алп йигитларидан ангренлик Рустам Рустамов, Толбосин Турақулов, самарқандлик Маҳмуд Жуманиёзов, Амин Гаипов, Фарҳод Мавлонов, Рустам Саидов, чиноэлик Равшан Турсунов, Қаҳрамон Бойназаров, андижонлик Жаҳонгир Нажмиддинов, Ғайрат Аҳмедов, тошкентлик Дониёр ва Дилшод Абдурахмонов ҳамда ургенчлик Темур Ибрагимовлар юрт шаъни ва гурурини ҳимоя қилиш учун рингта чиқадилар. Мураббийлардан Мансур Маҳмудов, Аҳмад Алиев, Мавлон Очиловлар бошчилигида терма жамоамиз эртага Бишкек шаҳрига йўл олишади.

ФУТБОЛ. 7 февраль куни мини-футбол бўйича Республика 2-чемпионати биринчи босқичининг иккинчи давра ўйинлари бошланди. Мусобақанинг ғарбий зонаси Самарқандга, шарқийси эса Тошкентга кучирилди. Ҳар икки минтақада ҳам беллашувлар 7-12 февраль кунлари бўлиб ўтади.

Бу йилги чемпионат бироз бошқачароқ тартибда утказилмоқда. 12 жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда 1-босқичнинг дастлабки босқич ўйинларини утказишди. Қурға натижасига кура, жамоалар икки гуруҳга ажратилди. «А» гуруҳи: «Турон-С», «Ирмаш-А» (Андижон), «Кимёгар» (Чирчиқ), «Дўстлик» (Жиззах), «Шарқ» ҳамда «Трамвайчи» (Тошкент шаҳри). «Б» гуруҳи: «Рузмат Мадаминов» (Хива), «Термо» (Самарқанд), «Лочин» (Учқудуқ), «Темирйўлчи» (Қарши), «Машъал» (Муборак) ҳамда «Соҳил» (Сирдарё).

Дониёр ЮСУПОВ.

В АКЦИОНЕРНОМ ОБЩЕСТВЕ ОТКРЫТОГО ТИПА АТП-143 9 МАРТА 1998 ГОДА СОСТОИТСЯ

ОБЩЕЕ СОБРАНИЕ АКЦИОНЕРОВ

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. ИТОГИ РАБОТЫ АООТ АТП-143 ЗА 1997 ГОД.
2. УТВЕРЖДЕНИЕ РЕЗУЛЬТАТОВ РЕВИЗИОННОЙ И АУДИТОРСКОЙ ПРОВЕРКИ.
3. ОЦЕНКА ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РАБОТЫ ПРАВЛЕНИЯ И ЕГО ПРЕДСЕДАТЕЛЯ ПО ИТОГАМ РАБОТЫ ЗА 1997 ГОД.
4. УТВЕРЖДЕНИЕ РАЗМЕРОВ ДИВИДЕНДОВ И СРОКОВ ИХ ВЫПЛАТЫ.

БАЛАНС
АООТ АКЦИОНЕРНОГО АВТОПРЕДПРИЯТИЯ № 143 НА 1 ЯНВАРЯ 1998 ГОДА.

01.01.1998 год г.ТАШКЕНТ

N п/п	НАИМЕНОВАНИЕ СТАТЕЙ БАЛАНСА	АКТИВ	ПАССИВ
1.	УСТАВНЫЙ ФОНД		7263.2
2.	ДОБАВЛЕННЫЙ КАПИТАЛ		35629.3
3.	РЕЗЕРВНЫЙ КАПИТАЛ		1585.9
4.	ОСНОВНЫЕ ФОНДЫ И ПРОЧИЕ ВНЕОБОРОТНЫЕ АКТИВЫ	30102.4	
5.	ЗАПАСЫ И ЗАТРАТЫ	14463.6	
6.	ДЕНЕЖНЫЕ СРЕДСТВА	1173.8	
7.	ДЕБИТОРСКАЯ ЗАДОЛЖЕННОСТЬ	19553.0	
8.	НЕРАСПРЕДЕЛЕННАЯ ПРИБЫЛЬ		1574.2
9.	КРАТКОСРОЧНЫЕ ОБЯЗАТЕЛЬСТВА		19240.2
	БАЛАНС 1997 ГОДА	65292.8	65292.8

Доходы предприятия за 1998 год — 86200.7 тыс. сум
Расходы и обязательные платежи — 84626.5 тыс. сум
Чистая прибыль отчетного года — 1574.2 тыс сум

"ПГС" ФИРМАСИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

Ресторанлар, кафе ва ошхоналар, ишлаб чиқариш ва машиний бинолар, шовқинсиз юқори самарали иситиш учун ҳар хил қувватдаги иситгичлар — калориферлар.

Нархи 45000 сўмдан 50000 сўмгача.

Ташкилот ва корхоналардаги; шифохона, санаторийлардаги; дам олиш уйлари, меҳмонхоналардаги; спорт комплексларидаги ҳаммомларнинг САУНАлари учун махсус даволаш электр ускуналари.

Кичик нонвойхоналар \4 хилдаги: 160,80,32 ва 8 буханка нон пишириш қувватига эга

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри С.Рахимов метро бекати.
Тел: (3712) 79-14-29, 79-38-54.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ НАШРИ ИШОНЧ

Бош муҳаррир: Саидакром САИДВАЛИЕВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият- 56-82-79. Ҳатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Намаргада - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида- 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4 1—уй. Буюртма Г— 0993. Нусхаси — 23.244. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 21. 00 Масъул навбатчи: Барно СУЛТОНОВА 1 2 3 4 5 6